ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ - ОЛИЙ БАХТ

OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI

FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

29 январь, пайшанба 1998 йил №12 (514)

Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

УШБУ СОНДА:

МАНСАБПАРАСТЛИК МЕВАСИ
2-БЕТДА

ТОҒОРАЛАР ТАШВИШИ
3-БЕТДА

ЗАБАРДАСТ ШОИРА
4-БЕТДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг

ҚАРОРИ

Оила манфаатларини таъминлаш борасида 1998 йилда амалга ошириладиган тадбирлар Давлат дастури тўғрисида

Оиланинг жамиятни ўзгартиришдаги тутган ўрни ва иштирокини янада ошириш, оилаларнинг ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий, маънавий-ахлоқий манфаатларини ва фаровонлигини яхшилашни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни кучайтириш ҳамда изчил таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 9 декабрдаги Ф-796-сон Фармойиши билан ташкил этилган Республика комиссияси томонидан ишлаб чиқилган Оила манфаатларини таъминлаш борасида 1998 йилда амалга ошириладиган тадбирлар Давлат дастури тасдиқлансин.

2. Ҳокимият ва бошқарувнинг давлат тузилмалари, мулкчилик шаклларидан қатъи назар, корхоналар ва ташкилотлар Давлат дастури топшириқларининг белгиланган муддатларга мувофиқ сўзсиз бажарилишини таъминлашнинг мукаммал чораларини кўрсинлар. Ушбу мақсадларда икки ҳафта муддатда:

Давлат дастурида кўрсатиб ўтилган тадбирларни корхоналар ва ташкилотларнинг аниқ шарт-шароитларига мувофиқ равишда, шунингдек, корхона, ташкилот жойлашган ердаги маҳаллаларда яшовчи оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш зарурлигига қараб амалга ошириш бўйича тармоқ ва идоравий тадбирлар;

шаҳарлар, туманлар, қишлоқлар ва овулларнинг маҳаллий шарт-шароитни ҳисобга олувчи ва ҳар бир оилани қамраб олувчи оила манфаатларини таъминлаш борасида амалга ошириладиган минтақавий дастурлар ишлаб чиқилсин.

3. Давлат матбуот қўмитаси, «Ўзтелерадио» компанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, оммавий ахборот воситалари қабул қилинган 1998 йилги Давлат дастурида назарда тутилган оила манфаатларини таъминлаш борасида амалга ошириладиган тадбирларнинг тутган ўрни ва аҳамиятини кенг тушунтиришни таъминласинлар.

Оила манфаатларини таъминлаш дастурларининг бажарилиши доимо кузатиб борилсин ва унинг натижалари кенг ёритилсин.

4. Вазирлар Маҳкамаси комплекслари, вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва барча даражалардаги ҳокимликлар ҳар чорақда ўзларининг якуний мажлисларида манфаатдор органлар ва тузилмаларни жалб қилган, масъул ижро этувчиларнинг ҳисоботларини тинглаган ҳолда оила манфаатларини таъминлаш борасидаги тегишли дастурларнинг бажарилишини кўриб борсинлар.

5. Ишларни мувофиқлаштириш ва Оила манфаатларини таъминлаш борасида 1998 йилда амалга ошириладиган тадбирлар Давлат дастурининг бажарилишини назорат қилиш учун комиссиялар тузилсин.

Комиссиялар, жойларга борган ҳолда, Давлат дастурида кўзда тутилган тадбирларнинг тегишли тузилмалар ва ҳокимият органлари томонидан амалга оширилишини доимо назорат қилсинлар ва текширсинлар. Ҳар бир чорак якуни буйича чорақдан кейинги ойнинг 12-кунигача Вазирлар Маҳкамасига дастур тадбирларини бажариш ишларининг аҳволи тўғрисидаги таҳлилий ахборотни уни яхшилашга оид таклифлар билан бирга тақдим этсинлар.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири У.Султонов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1998 йил.

Оила манфаатларини таъминлаш борасидаги тадбирлар Давлат дастури комплекс тусга эга бўлиб, у 15О дан ортиқ тадбирни ўз ичига олади. Бу тадбирлар қуйидаги стратегик йўналишлар бўйича бўлимларга жамланган:

- оилавий муносабатларнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, оила манфаатлари ҳуқуқий ҳимоя қилинишини таъминлаш, оналик ва болалик ҳуқуқларини муҳофаза қилиш;

- оиланинг ижтимоий манфаатларини таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиш, оила аъзоларининг соғлиғини муҳофаза қилиш ва таълим даражасини ошириш учун шарт-шароитларни яхшилаш;

- оиланинг иқтисодий манфаатларини таъминлаш, оила даромадларини, оила аъзоларининг иш билан таъминланиш даражасини ошириш, рўзғор юмуши ва турмуш шароитларини яхшилаш, кам таъминланган оилаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш;

- оиланинг маънавий-ахлоқий асосларини ва маданий манфаатларини такомиллаштириш;

- оиланинг соғлом, ақл-заковатли ёш авлодни тарбиялашдаги ролини ошириш, ҳар томонлама камол топган авлодни тарбиялашда оила ва жамиятнинг вазифаларини такомиллаштириш;

- оила муаммоларини илмий ва ижтимоий тадқиқ этишни чуқурлаштириш, оила, хотин-қизлар ва болаларнинг иқтисодий ва ижтимоий аҳволини кўрсатувчи статистика ахборотини тўплаш тизимини такомиллаштириш.

1998 йилда оила манфаатларини таъминлаш борасида амалга ошириладиган дастурий тадбирларни рўёбга чиқариш учун маблағ билан таъминлашнинг барча манбалари бўйича 144,8 миллиард сўм маблағ назарда тутилмоқда, уларнинг деярли ярми давлат томонидан бюджетдан ажратилади.

Оила манфаатларини таъминлаш борасида 1998 йилда амалга ошириладиган тадбирлар Давлат дастури оммавий нусхада нашр этилади.

ЕТТИ ИҚЛИМ НАФАСИ

Ҳиндистоннинг собиқ Бош вазири Ражив Гандининг беваси Соня Ганди мамлакат парламенти сайловларида иштирок этиш ниятида қатъий турганини маълум қилди. Италиялик миллатига мансуб булган Соня Ганди илгари сиёсатга аралашмаган эди. Ҳозир эса у Ҳиндистоннинг Уттар-Прадеш штатидаги Амети округи томонидан миллий Конгрессга сайланади.

* * *

Европа Иттифоқи мамлакатлари ташқи ишлар вазирлари Жазоир ҳукуматига мурожаат қилиб БМТ делегациясини қабул қилишни илтимос қилдилар. Ушбу делегация Жазоирда авж олган террорчиликни бартараф этиш йўлларини муҳокама этиш ниятидадир. Жазоир ҳукумати эса бу интилишни мамлакатнинг ички ишларига аралашув деб, БМТ делегациясини чегарадан ўтказмаётир.

* * *

Америкада чиқадиган «Таймс» газетасининг ёзишича, АҚШ фуқаролари президент Билл Клинтонга нисбатан ихлослари кескин қайтганини айтмоқдалар. Оқ уй маҳкамаси ходималари билан жинсий алоқада бўлганликда айбланаётган Билл Клинтон халқ орасида обрусини йўқотиб бормоқда.

* * *

Ироқда жаҳондаги энг катта масжид қурилиши бошлаб юборилди. Қурилиш ишлари мусулмонларнинг муқаддас Лайлат-ул Қадр кечаси арафасида бошланди. Ироқ президенти Саддам Ҳусайн шарафига бунёд этилаётган ушбу масжидда бир вақтнинг ўзида 45 минг мусулмон намоз ўқиши мумкин бўлади. Бу қурилиш бошлангунга қадар дунёдаги энг катта масжид Марокаш қироли Ҳусайн фармони билан қурилган ҳарам ҳисобланар эди. Бу масжидда 30 минг киши намоз ўқиши мумкин эди.

* * *

Мисрдаги машҳур Сфинкс ҳайкалини таъмирлаш ишлари ниҳоясига етди. Шу кунларда улкан ҳайкал сайёҳлар ва томошабинлар учун энг асосий зиёратгоҳлардан бирига айланди. Баландлиги 20 метр ва кенглиги 30 метр бўлган Сфинкс дунёдаги энг катта ҳайкал деб топилган. Бу йил Сфинкс қурилганининг 4600 йиллиги дунё миқёсида кенг нишонланади.

* * *

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти 1998 йилни Жаҳон океани йили деб эълон қилган эди. Шу муносабат билан дунёдаги кўпгина давлатлар океанлардаги экологик аҳволни яхшилаш ва уларнинг ифлосланишининг олдини олиш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқмоқдалар. Бу чора-тадбирларни ҳаётга татбиқ этиш учун зарур маблағлар Халқаро валюта жамғармаси ҳамда Жаҳон банки томонидан ажратилади.

Жаҳон ахборот агентликлари хабарлари асосида.

ЎЗБЕК ЙИГИТИ КОСМОСДА

Жаҳонда тараққий этган мамлакатлар ва шу мамлакатлар мутахассислари номи билан боғлиқ бўлиб келаётган космонавтика фаолиятида узбекча исму шариф қўлланадиган кунлар ҳам етиб келди. Бугун бутун дунё ахборот воситалари космонавтика янгиликлари билан жаҳон аҳолисини воқиф қилар экан, узбек йигити Солижон Шариповнинг номи ҳам бу ахборотлардан ҳар куни бир неча бор тилга олинмоқда. Шу кунларда космонавт Солижон Шарипов Америка-Россия экипажи таркибида «Спейс шатл»нинг 89-экспедициясида иштирок этмоқда. Солижон Шарипов Қирғизистоннинг асосан узбеклар истиқомат қилувчи Узган шаҳрида туғилиб вояга етган. Ҳозир у 33 ёшда. Бир пайтлар Собиқ Иттифоқ космик кемаларида дунёнинг турли бурчакларидан хорижий фуқаролар изма-из фазога кўтарилганда кўплаб халқлар қаторида узбек халқининг ҳам кўнгли ўксигани сир эмас. Шу даврларда эндигина ҳаётини авиация билан боғлаган Солижоннинг ўз олдига қўйган мақсадлари улкан эди. 1990 йилда уни космонавтлар отрядига қабул қилишганда узбек номини коинот билан боғлашга катта йул очилди. Ва бугунги кунда бутун дунё айниқса, Россия, Қирғизистон ва Узбекистон мамлакатлари унинг коинотдаги фаолиятига катта умид билан кўз тикиб турибди. Солижон ва Американинг яна 6 космонавтини коинотга олиб чиққан «Шатл Индевер» космик кемасининг парвози 9 кун давом этади.

Иқтисодиёт

Хоразм хабарлари

«ХАЗОРАСП» БАХМАЛЛАРИ

Хазорасп туманидаги «Хоразм» жамоа хўжалиги ҳудудида жойлашган «Хазорасп» тўқув ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамиятида кунига 60-80 погонаметр қизил, кўк ва сариқ рангдаги бахмал ишлаб чиқарилмоқда. Бу корхонада иш билан таъминланган 30 нафар чеварнинг қулиқулига тегмайди. Жамият раиси Муҳаммаджон Бобожоновнинг гапига қараганда, келгусида бу ерга яна қўшимча тўқув дастгоҳларини келтириб, ишчилар сонини юзтага етказиш мақсад қилиб қўйилган.

ШИРИНЛИККА ЎЧ БЎЛСАНГИЗ...

Агар ширинликни хуш курсангиз, Янгиариқ туманидаги «Исломбек» хусусий фирмаси директори Қувонч опа Каримовага учрашинг. Ҳозир у бошлиқ корхонада кунига 250-300 килограмм қоғозли конфет тайёрланмоқда. Юз минг сўмга сотиб олинган конфет ишлаб чиқарувчи дастгоҳ тинимсиз ишламоқда.

Фақат конфет эмас, зардузлик, чопон тикиш, гиламчилик, ип йигирув цехлари ҳам Қувонч опанинг тадбиркорлиги эвазига катта даромад келтираяпти.

БИР ҚИШЛОҚДА САКСОН ТЎРТТА

Хива туманидаги Рузимат Мадаминов номли жамоа хўжалигида фаолият кўрсатаётган кичик корхоналар сони бугунги кунда оз эмас, кўп эмас 84 тага етди. Соёт қишлоғи ўзига хос саноат шаҳарчасига айланиб бормоқда.

Ж. НУРИММАТОВ, «Ишонч» мухбири.

«Ишонч» мақолалари изидан

«ШУНЧАЛИК ЭЪТИБОРСИЗЛИКМИ, ЁКИ...»

«Ишонч» газетасида Р.Қурбоновнинг 1997 йил 4 декабрда босилган «Шунчалик эътиборсизликми, ёки...» номли танқидий мақоласи агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Булунғур туман қўмитаси томонидан кўриб чиқилди.

Ҳақиқатдан ҳам мақолада таъкидланганидек, «Булунғур очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти касаба уюшмаси қўмитаси томонидан ижтимоий ҳимоя тадбирларини амалга ошириш борасида олиб борилган ибратли ишлар билан бир қаторда касаба уюшма қўмитаси иш ҳужжатларини юритиш, унинг иш фаолиятини касаба уюшмалари Низоми асосида ташкил этиш борасида камчиликларга йул қўйилган.

Касаба уюшма қўмитаси иш фаолиятида йул қўйилган камчиликлари учун ҳиссадорлик жамияти касаба уюшмаси қўмитаси раиси Т.Кубаев огоҳлантирилди. Мақолада курсатилган танқидий фикрлар юзасидан туман касаба уюшма қўмитасининг тадбири ишлаб чиқилди.

Корхона касаба уюшмаси қўмитасига касаба уюшма қўмитаси ҳужжатларини юритиш, жамоа шартномасини тузиш ва унинг ижросини назорат қилиш, касаба уюшма қўмитаси томонидан меҳнатни муҳофаза қилиш ишлари устидан назоратни кучайтириш, доимий комиссиялар иш фаолиятини ташкил этиш бўйича амалий ёрдам курсатилди.

Ҳиссадорлик жамиятининг ижтимоий суғурта бўйича қарзи ҳисобидан 60 (олтмиш) минг сум касаба уюшмалари ҳисобига утказилиб берилди.

Булунғур туман ҳамда «Булунғур» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти касаба уюшмаси қўмитаси мақоладаги танқидий фикрлар юзасидан тегишли хулосани чиқарди. Мақолада таъкидланган камчиликларни бартараф этиш, касаба уюшма қўмиталари иш фаолиятини яхшилаш бўйича зарур чора тадбирларни белгилади.

А.САРИМСОҚОВ, Булунғур туман ҳокимининг биринчи ўринбосари.

Касаба уюшма ҳаёти

ҲАҚИҚИЙ ИҚТИДОР ЭГАЛАРИ ВОЯГА ЕТКАЗИЛАДИ

Тошкентда ўтказилган миллий кадрлар тайёрлаш бўйича республика комиссия мажлисида мамлакатимиз раҳбари нутқ сўзлади. Унда Ислом Каримов Олий Мажлиснинг тўққизинчи сессиясида қабул қилинган ушбу йўналишдаги қонун қай тариқа амалга оширилаётганлиги, бу борада қилинаётган ишлар, эътибордан четда қолаётган масалалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини баён этди. Хўш, бу соҳада Наманган вилоятида қандай чора-тадбирлар кўрилмоқда? Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси вилоят қўмитасининг раиси Комилжон Тўлабоев билан сўхбатимиз шу ҳақда бўлди.

Шунга ишонч ҳосил қилдикки, вилоятнинг ҳамма ерида ушбу муҳим ҳужжат катта қизиқиш билан урганилмоқда. Айниқса, юртбошимизнинг радиоэшиттиришларида ва телевидение кўрсатувларида эълон қилинган ҳамда матбуот саҳифаларида ёритилган маърузаси вилоят аҳолисида катта қизиқиш уйготди ва у келажагимиз, жонажон Узбекистонимизнинг истиқболли эгалари, маънавиятимиз ҳақида қилинган ғамхўрлик сифатида баҳоланмоқда. Бошқа давлат ва жамоат ташкилотлари қатори касаба уюшмалари ҳам бу масалаларга эътибор қаратибгина қолмасдан уни амалга ошириш йўлида узларига боғлиқ бўлган ишларни рўёбга чиқариш йул-йўриқларини белгилаб олмоқдалар.

Биринчи навбатда қонун асосида вилоят халқ таълими бошқармаси ҳамда таълим ва фан ходимлари касаба уюшма вилоят қўмитасининг юқоридаги ҳужжатни ҳаётга татбиқ этишга доир махсус тадбирлар ишлаб чиқилиб жойларга етказилди. - Шу асосда таълим тизимидаги барча шаҳар ва туманлар халқ таълими бўлимлари, касаба уюшма ташкилотлари ҳамда муассасаларнинг қўшма тадбирлари белгиланди. Ана шу тадбирларда қонун ва дастурни ҳаётга татбиқ этишнинг ҳар бир босқичи учун мулжалланган барча масалалари уз ифодасини топган. Уларда маъмурият, этолиқ ташкилотлари, ҳомийлар, ҳокимлик ва юқори идоралар томонидан бажариладиган ишлар киритилган. Уз навбатида булар шаҳар ва туманлар ҳокимликлари ҳамда тармоқ қўмиталарида умумлаштирилиб, вилоят миқёсида якуний хулосалар тайёрланди.

Вилоят Ҳокимлигининг иқтисодиёт ва статистика, халқ таълими бошқармалари, тармоқ касаба уюшмаси ва бошқа тегишли ташкилотлар билан биргаликда 2005 йилгача амалга ошириладиган ишлар мажмуаси

дастури ишлаб чиқилиб, республика идораларига тақдим этилди. Унга кўра вилоят бўйича шу даврга бориб вилоятда 9-синфни 51125 бола битиради, уч йиллик таълимда 14662 бола уқийди. Шундан 112 та академик лицейларда 45185 нафар ўғил-қиз ва 146 та касб-ҳунар коллежларида 101497 талаба таҳсил кўради. Академик лицейлар ихтиёрига 880 ўринли бочка, 22219 ўринли мактаб, 1174 ўринли билим юртлари олинади. 300 ўринли бочка, 10622 ўринли мактаб, 875 ўринли уқув ишлаб чиқариш комбинати, 16114 ўринли техникумлар коллежларга айлантирилади. Шунингдек, 51098 ўринли янги бинолар қурилиши мўлжалланмоқда. Шундан 3966 ўринлиси қурилиши тугалланмаган мактаблардир.

«Таълим тўғрисида»ги Қонун, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни тушунтириш ва тарғиб қилиш масаласига катта аҳамият берилмоқда. Шу мақсадга қаратилиб ҳокимликлар вакиллари, касаба уюшмалари ва бошқа тегишли идора ҳамда муассасаларнинг раҳбарлари иштирокида шаҳарлар ва туманларда йиғилишлар утказилди. Шунингдек, бу муҳим ҳужжатлар жойларда ишловчиларга, отаоналарга кенг тушунтирилмоқда. Бундан ташқари, барча синфларда ота-оналар йиғилишлари утказилди. «Баркамол авлод Узбекистон тараққиётининг пойдевори» деб номланган китоб барча муассасаларга етказилди.

Шу билан бир қаторда барча шаҳобчаларда юқоридаги ҳужжатларни акс эттирувчи деворий қўргазмалар чиқарилмоқда. Уларда республикада узлуксиз таълим тизими, кадрлар тайёрлашнинг миллий модели, дастурни рўёбга чиқариш босқичлари ҳамда амалдаги ва жорий этилаётган таълим тизимлари режаси ўз аксини топмоқда. Вилоят маорифчиларининг «Мураббий» рўзномасида эса ушбу ҳужжатлар тула ёритилди ҳамда улар билан боғлиқ масалалар муҳокамаси йулга қўйилди.

Тармоғимизга қарашли мавжуд 3 та олий ва 8 та урта махсус уқув юртларида ҳам Қонун ва Дастурни амалга ошириш борасида қизғин иш олиб борилмоқда. Уқув юртлари маъмуриятлар, жамоат ташкилотлари, шу жумладан, касаба уюшма қўмиталари билан биргаликда узларининг тадбирларини ишлаб чиқидилар. Улар моҳиятини барча профессор-ўқитувчиларга, талаба ва уқувчиларга етказиш чоралари қўрилмоқда.

Юқоридаги ҳужжатларда касб-ҳунар мактабларига алоҳида ўрин берилган. - Бу ҳол ҳисобга олиниб, улардаги касаба уюшма ташкилотлари шу йил январ ойидан эътиборан бизнинг тармоққа утказилди. Бу тадбир келгусида уз самарасини беради, деб ишонамиз. Яна шу нарсага имонимиз комилки, Президентимиз таъкидлаганларидек, келажак авлод ҳақида қайғуриш, соғлом, баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказиш узбекистонлик ҳар бир фуқаро, барча меҳнат жамоаси, жамоатчилик, хуллас ҳамманинг эзгу мақсади ва кундалик вазифаси бўлиб қолмоғи керак.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ, «Ишонч» мухбири.

Янги қонун муҳокамада

ЕР–МУҚАДДАС БОЙЛИГИМИЗ

Узбекистон Республикаси Олий Мажлисининг X сессияси иқтисодий ҳаётимизда муҳим масалалардан Ер кодекси лойиҳасини биринчи уқишда маъқуллаб, умумхалқ муҳокамаси учун халқ ҳукмига ҳавола қилишга қарор қилди.

Бундай қарор демократия, яъни халқ ҳокимиятчилигининг ёрқин ифодасидир. Узбекистон Республикаси Ер Кодексининг қабул қилиниши республикамиз фуқароларининг манфаатларини амалга ошириш йўлидаги муҳим тадбир, халқимизнинг иқтисодий аҳволини янада яхшилаш йўлидаги катта қадамдир. Шунинг учун мустақил Узбекистон Республикаси Конституциясининг 55-моддасида: «Ер, ер ости бойликлари, сув, усимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий заҳиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир»,- деб ёзиб қўйилган.

Қонунга асосан ер умумий бойлик бўлиб, ундан ниҳоятда унумли фойдаланиш, уни ҳаётимиз манбаи сифатида асраб-авайлаш, давлат томонидан муҳофаза қилиш зарур.

Ер қонунчилигининг асосий вазифаси ер муносабатларини қонуний тартибда қўриқланишини таъминлаш, ундан ҳозирги ва келажак авлод манфаатларини таъминлаш йўлида фойдаланиш, ер ҳосилдорлигини доимо ошириб боришдир.

Ер қонунчилиги қуйидаги асосий тамойилларга таянади: фуқароларнинг ҳаётий асоси, муҳим табиий ресурси бўлган ер фондини яхши сақлаш, сифатини доимо яхшилаб бориш: ердан унумли ва мақсадга мувофиқ фойдаланишни таъминлаш, қишлоқ хўжалик ерлари, аввало суғориладиган ерларни алоҳида қўриқлаш, фақат мақсадга мувофиқ фойдаланишни таъминлаш, ерга ва бутун атроф муҳитга зарар келтиришнинг олдини олиш, экологик хавфсизликни таъминлаш, ерга эгалик қилиш ва фойдаланишнинг турли-туман шаклларини барпо этиш, ердан фойдаланувчиларнинг тенг ҳуқуқлилиги ва уларнинг қонуний ҳуқуқ ҳамда манфаатларини қўриқлаш, ердан пулли асосда фойдаланиш, ер тузилиши ва ернинг ҳолати тўғрисида тўғри маълумотлар бериб бориш ва ҳоказо.

Ушбу Кодекс ун тўрт боб, 90 моддадан иборат тузилишга эга. Уларда Узбекистон Республикасининг ер фонди, Ернинг мулклиги, Ер участкаларига юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқлари, Ер эгаси ва ердан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқ ҳамда бурчлари, қишлоқ хўжалиги учун мулжалланган ерлар, алоҳида қўриқланадиган ер ҳудудлари, ер участкаси мулкдорларига, ер эгаларига, ердан фойдаланувчиларга, ижарачиларга қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига етказилган зарарни ундириш: ер жанжалларини ҳал этиш ва ер қонунчилигини бузганлик учун жавобгарлик каби ниҳоятда муҳим ҳаётий масалалар узининг қонуний ифодасини топган.

Янги Ер Кодексининг лойиҳаси Республикамизнинг мустақиллик, бозор иқтисодиёти даврларини узига хос хусусиятларини узида ифодалаши билан фарқланиб турибди. Шунингдек, Ерларни ижарага бериш, ерни фермер хўжаликларига, қишлоқ хўжалик корхоналари базасидаги кооперативларга беришнинг узига хос хусусиятлари Кодексда қонунан мустаҳкамланган.

Жумладан, Кодекс лойиҳасининг 52-моддасида белгиланганидек, «Фермер хўжаликлари республикамиздаги заҳирадаги ва янги очилган махсус ер фондларида барпо этилиб, мустақил хўжалик юритувчи субъект бўлиб, уларга узоқ муддатга ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланиб, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхона сифатида юридик шахс ҳуқуқига эгадир.

Ёки лойиҳадаги 62-модда ҳам аввалги қонунчиликдан тубдан фарқ қилади. «Кўп квартирали турар жой уйлари ҳузуридаги ер участкаларидан фойдаланиш қонунчилик, маҳаллий ҳокимият органларининг меъёрий-ҳуқуқий актлари билан белгиланади», деб курсатилган.

Лойиҳанинг 11-бобидаги 79-модда ҳам эътиборга молиқдир. Унда курсатилишича, турли хил қурилиш ва иншоотларни лойиҳалаш ҳамда барпо этишлар ернинг ҳолатига таъсир этишининг қонуний оқибатлари баён этилган бўлиб, бундай ҳолда ер ҳолатига таъсир этиш учун жавобгарлик масаласи табиатни қўриқлаш тўғрисидаги қонунчиликда белгиланганлиги қайд этилган.

Ер Кодексининг лойиҳаси уз ичига ердан фойдаланиш, эгалик қилиш ва уни тасарруф этиш ҳамда унга амал қилмаслик ёки хилоф ҳаракатлар қилишнинг ҳуқуқий оқибатлари баён қилинган муҳим ҳуқуқий ҳужжат дейиш мумкин. Бироқ, ушбу лойиҳа юрист-мутахассисларнинг кенг ва чуқур мулоҳазасидан ўтказилиши фойдадан холи эмас.

Таклиф ва мулоҳазалар сифатида айтиш мумкинки, лойиҳанинг 11 ва 12 бобларини бирлаштирилса тўғри бўлар эди. Кейин ҳамма бобларда моддаларни янада ихчамлаштириш зарур.

88-моддада ер тўғрисидаги низолар хўжалик ва умумий судлар томонидан ҳал қилиниши баён этилган. Шуни янада аниқ қилиб қандай низолар умумий судлар ва қандай низолар хўжалик судлари томонидан ҳал этилиши чегаралаб берилса тўғри ҳамда аризачиларга осонлик яратилган бўлар эди.

Ҳозирги кунда кўпгина ҳудудларда «Ер Кодекси лойиҳаси» кенг муҳокама қилинмоқда. Мана яқинда Тошкент вилояти Зангиота прокуратурасида Кодекс муҳокама қилиниб, қимматли фикрлар изҳор этилди. Шунингдек, ушбу муҳокама натижалари амалиётга тадбиқ этилиб, тумандаги айрим хўжаликлар жамоа мулки бўлмиш ерни айрим шахслар қонунсиз асосда эгаллаб олганликлари фош этилиб, айбдорлар жиноий жавобгарликка тортилдилар.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, мазкур кодексни муҳокама этишда қўпроқ ва асосан юристлар, қишлоқ хўжалигини чуқур тушунадиган мутахассислар, ҳокимлар фаол иштирок этсалар айни муддао бўлиб, «чумчуқ суйса ҳам қассоб суйсин», деган доно нақлга амал қилинарди.

Парламентимизнинг навбатдаги сессиясида қабул қилинажак муҳим қонуний ҳужжат «Ер Кодекси» муҳокамасида тажрибали юристлар ва шу масалани яхши тушунувчи мутахассислар кенг иштирок этиб узларининг қимматли фикр-мулоҳазалари билан кодексни янада бойитадилар, деб умид қиламиз.

Абдумажид ШУКУРОВ, Юридик фанлари номзоди, доцент.

Касаба уюшма ҳаёти

ҚАРЗДОРЛИК ХАЛАҚИТ БЕРМОҚДА



Юртбошимиз томонидан ишлаб чиқилган 5 та муҳим тамойилнинг асосий бандларидан бири меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоялашдир. Бунда касаба уюшмаларининг ўрни муҳимдир. Чунки, меҳнат аҳли манфаатларини ҳимоя қилишдан тортиб, уларнинг яшаш ва ишлаш шароитларини тубдан яхшилаш борасидаги олиб бориладиган барча ибратли ишлар бевосита уларнинг зиммасига юклатилгандир.

Жондор тумани деҳқончилик-саноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси қўмитаси ҳам бу борада қатор ишларни амалга оширмоқда.

Қўмитамизга қарашли 29 та бошланғич ташкилот мавжуд бўлиб, у 22 минг нафарга яқин касаба уюшма аъзосини бирлаштирган. 52 та цех, 219 та гуруҳ ташкилоти фаолиятини ижтимоий-иқтисодий ҳимоя масалаларига йўналтирмоқдамиз.

Тумандаги мавжуд 17 та жамоа ва ижара хўжаликларининг маъмуриятлари билан имзоланган икки томонлама шартнома бандларини бажарилишига диққат-эътиборни қаратмоқдамиз. Туман ҳокимлиги билан ўзаро битим тузганмиз. Жойларда шартномаларнинг бажарилиши бўйича ахборотларни тинглаб бориш йўлга қўйилган. Бунинг натижасида ишловчиларнинг ижтимоий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш, меҳнат муҳофазаси, меҳнаткашларни соғломлаштириш, қулай иш шароитларини яратиш, янги иш ўринларини ташкил этиш юзасидан талай ишлар қилинди.

Касаба уюшма фаолларининг ташаббуси билан иш шароити нисбатан оғир бўлган, соғлиққа зарарли участкаларда меҳнат қиладиган кишиларнинг иш шароити бир мунча яхшиланди. Ишловчиларни махсус коржомалар билан таъминлаш, меҳнат таътилларига қўшимча кунлар белгилаш, бепул сут, қатиқ билан таъминлаш чоралари кўрилди. Бу борада «Варахшо», Ибн Сино номли, «Узбекистон», Охунбобоев номли жамоа хўжаликларида, айниқса сезиларли ўзгаришлар қилинди.

Турли тарихий саналар, байрамлар олдидан кўрик-танловлар ўтказиш кенг тус олди. «Энг яхши чорвадорлар уйи», «Энг яхши механизаторлар уйи» танловларида 1-ўрин Охунбобоев номли жамоа хўжалигига, II ўрин гагаринлик бунёдкорларга насиб этди.

«Энг намунали қишлоқ, маҳалла» танлови босқичма-босқич олиб борилди. Унда барча шартлар юзасидан энг кўп бал тўплашга эришган Ўшот қишлоғи жамоаси ғолиб деб топилди.

Йил давомида жисмоний тарбия ва спортнинг оммавийлигини таъминлаш юзасидан ҳам анча ишлар қилинди. Футбол, миллий кураш, шахматшашка, волейбол бўйича туман биринчиликлари ўтказилди. Ғолиблар пул қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. Фақатгина Бухорои Шарифнинг 2500 йиллиги муносабати билан ўтказилган спорт мусобақалари совриндорларини мукофотлаш учун 30 минг сўм пул ажратдик.

Кўп болали, кам даромадли оилаларга, ногиронларга, уруш қатнашчиларига ва боқувчисини йўқотган кишиларга моддий ёрдам кўрсатиш масаласи мудом диққат-марказимизда турибди. Ана шу мақсадларда туман бўйича 260000 сўм маблағ сарфланди. Моддий қийналиб қолган оилаларга касаба уюшмалари маблағи ҳисобидан кўмак бериб турилибди.

Фуқароларни ёзма ва оғзаки мурожаатларининг бирортаси ҳам жавобсиз қолдирилмаяпти. Йил давомида 570 нафар касаба уюшмаси аъзолари томонидан берилган аризалар тўлатўкис ўрганиб чиқилди. 100 дан ортиқ фуқароларнинг турли сиҳатгоҳларга бориб даволаниши, дам олишлари учун йўлланмалар ажратишга муваффақ бўлинди.

Ижтимоий суғурта бадалларини ташкилотлар томонидан тўланмаслиги ишимизга халақит бермоқда.

Туманимизда пилла, дон, пахта тайёрлаш ва давлатга сотишда маълум ютуқлар ва силжишларга эришилди. Худо хоҳласа, бу йил ютуқларимизга барака киради. Оила йилида белгилаб чиқилган дастурлар асосида фаолият кўрсатиб, олдимизга қўйилган эзгу мақсадларга тўла-тўкис эришамиз. Бунинг учун етарлича имкониятлар бор.

Каримжон САИДОВ,
Бухоро вилояти Жондор тумани деҳқончилик-саноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси қўмитаси раиси.

МАНСАБПАРАСТЛИК МЕВАСИ

ёхуд «Деҳқонобод» очиқ турдаги пахта тозалаш ҳиссадорлик жамияти касабақўм фаолиятига бир назар

Жамоа шартномалари қандай бажарилмоқда?

Ш.Рашидов туманидаги «Деҳқонобод» очиқ турдаги пахта тозалаш ҳиссадорлик жамияти касаба уюшмасига 436 нафар аъзо бирлашган. Яқинда биз ана шу жамоада бўлиб, корхона касаба қўмитасининг меҳнат кишисини ижтимоий ҳимоялаш, уни дам олдириш, соғломлаштириш, энг муҳими-бугунги иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда маъмурият билан бевосита ҳамкорлик борасидаги фаолияти билан яқиндан танишдик.

Аввало, шуни айтиш керакки, жамоада ўтган йилги маҳсулот ишлаб чиқаришдаги ўсиш суръати бўйича белгиланган режа бажарилмаган бўлса-да, ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш режа-топшириқлари бажарилди. Жамият раиси вазифасини бажарувчи Аксан Бикбовнинг таъкидлашича, январ ойи бошларида корхона биргина иш ҳақидан 8 миллион сўмга яқин қарздор эди. Бугунга келиб, бу кўрсаткич салмоқли даражада қисқариб, уч миллион сўмни ташкил этмоқда. Дебитор ва кредиторлик қарзлари қисқариши бўйича ҳам бир қатор ижобий ишлар кўзга ташланиб қолди.

Лекин афсуски, ҳар йили корхона касаба қўмитаси билан маъмурият ўртасида тузиладиган жамоа шартномасининг асосий бандлари бажарилмасдан қолаяпти. Биргина 1996 йил якуни бўйича аҳволни таҳлил қиладиган бўлсак, жамоа шартномасининг пул маблағига бориб тақаладиган бандлари тўлиқ бажарилмаганлигининг гувоҳи бўлдик. Шу йили корхона ишчиларига меҳнат қилиш шароити етарлича яратиб берилмади. Иш жойларида дам олиш, енгил нонушта қилиш ўринлари ташкил этилмади. Цехлар истилмасдан қолмоқда. Сменадаги ишчилар махсус жиҳозлар, шунингдек, сут, чой билан таъминланмадилар. Таътил маошлари, декрет ва бошқа турдаги нафақалар йиллаб тўланмаслик ҳолатлари юз берди. Хулоса қилиб айтганда, 1996 йилги жамоа шартномасининг кўпгина бандлари бажарилмасдан қолди.

Аввалги йиллардаги нуқсонлар корхона маъмуриятига сабоқ бўлиб, ундан тегишли хулосалар чиқарилган бўлса керак, деган ўй билан ўтган 1997 йилги жамоа шартномасининг тақдири билан қизиқдик. Тааж-жубки, касабақўм раиси Анатолий Семёнов (у киши ўтган йилнинг июлидан бошлаб корхона бош муҳандиси этиб тайинланган) бизга жамоа шартномасини кўрсата олмай, «уйда қолибди» деган баҳона қилишдан нарига ўтолмади. Жамоа шартномаси касабақўм раисининг уйига қандай қилиб «оёқ чиқариб» бориб қолганига тушуна олмадик.

Фарҳод Қурбонов бошлиқ 1-ишлаб чиқариш бригадаси фаолияти билан танишдик. Мазкур жамоада 30 киши меҳнат қилади. Смена ишлаб чиқариш топшириғи 16 тонна тола миқдорида белгиланган. Лекин бу топшириқ анча кунлардан буён сурункасига бажарилмасдан келаяпти. Бизга айтишларича, бунга асосий сабаб-корхонага газнинг мунтазам равишда бир маромда келмаётганлигида экан. Ишчиларнинг меҳнат шароити билан танишдик. Дастлаб жин цехи ишчиси, корхона касабақўм аъзоси Ғуласал Хайруддинова билан иш устида учратдик. У киши тўққиз йилдан буён корхонанинг энг оғир участкаси - жин цехида бир ўзи тўртта агрегатни моҳирлик билан бошқариб келади. Бешинчи разряд соҳибаси.

Суҳбатимиз жараёнида Г.Хайруддинова маъмурият томонидан ишчиларга меҳнат қилишлари учун етарли шарт-шароит яратиб берилмаганлиги, уларни ижтимоий ҳимоялашга ҳам дурустроқ эътибор йўқлигидан нолиди.

- Мана, ўзингиз кўриб турганингиздек, цехимиз жуда совуқ,-дейди Г.Хайруддинова, - ромлардаги ойна урнига брезент парчалари қоқиб қўйилганлиги учун ҳам ичкарида елвизак ўйнаб турибди. Махсус кийим-бошни кўрмаганимизга анча йиллар бўлди. Бунинг натижасида мен каби аёллар пахталик ёки узун ўнгирли чопонларда ишлашга мажбур бўлишаяпти. Булар техника хавфсизлигига мутлақ зид ҳолдир. Бу аҳволдан корхона маъмуриятининг ўзи ҳам ҳабардор бўлишсада, уларнинг парвойи палак. Бундоқ ҳисоблаб кўрсам, биргина менинг ўзимдан корхона ўтган даврлардаги иш ҳақимдан йигирма минг сўмга яқин қарздор экан. Маданий-маиший тадбирлар ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Ўтган 1997 йили фақат мен эмас, корхонамиз бўйича бирор кишига дам олиш учун йўлланма ажратилмаганлигини нима билан изоҳлаш мумкин бўларкин? Жамоамизда касабақўм фаолияти аллақачон ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Бундай ҳол ута аянчли ва ташвишлидир.

Корхонанинг пресслаш, линтер ва бошқа цехларида бўлиб, Абдусаттор Бобоев, Йўлдошбой Мамадиев, Умида Рустамова, Омоной Сирлибоевалар билан суҳбатлашар эканмиз, улар ҳам жуда қўплаб ижтимоий-иқтисодий муаммоларни корхона маъмурияти ҳал этиб бера олмаётганидан нолишди, касабақўм фаолиятсизлигини маълум қилишди. Гулбаҳор, Малика исмли ёш ишчи-қизлар бўлса ўз ишларидан аллақачон совиб, ҳафсалалари пир бўлган. Энг ёмони улар ҳеч нарсага ишонишмай қўйишган.

Касабақўм раиси Анатолий Семёнов мана еттинчи ойдирки, корхона бош муҳандисининг юмшоққина курсисини ҳам эгаллаб, бамайлихотир юрибди. Ахир маъмурият раҳбари шуни лозим топган экан, у киши нима ҳам қила оларди? Агар касабақўм раиси сифатида ишчилар ёнини олгудек бўлса, маъмурият раҳбари тушмуғини осилтириб олса-чи? Хуллас, корхона касабақўм раиси бугунги кунда қайси бармоғини тишласа, жони оғрийдиган бўлиб қолган.

Биз буларни асоссиз даъво қилаётганимиз йўқ, албатта. Касабақўм ва умумий йиғилишлар ўтказиш режалари билан танишар эканмиз, унда ўтган 1997 йили долзарб масалаларнинг муҳокама этилиши мулжалланганлигининг гувоҳи бўлдик. Масалан, йил давомида касабақўм йиғилишида кўриб чиқилиши мулжалланган ўн иккита масаладан атиги учтасининг қараб чиқилгани, умумий йиғилишларнинг ҳам ўлда-жўлда ўтказилганлиги, қарорларининг назоратга олинмаганлиги фикримизнинг далилидир.

Бир сўз билан айтганда, «Деҳқонобод» очиқ турдаги пахта тозалаш ҳиссадорлик жамияти касаба қўмитаси ўз фаолиятини давр талаблари асосида қайта кўриб олишга шошилмаётган кўринади. Бунга агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Ш.Рашидов туман қўмитаси раҳбарияти ҳам бир чеккада томошабинлик вазифасини бажариб туриши кишини ажаблантиради. Корхона касабақўм фаолиятида ишни зўдлик билан ўнглаб олиш вақти аллақачон етган. Ё шундай эмасми?!

Абдуманнап АЗИМОВ,
«Ишонч» мухбири.

Сирдарё вилоятидаги Ғ.Ғулом номли давлат хўжалигида қишки дала ишлари авжида. Хўжалик аъзолари баҳорги экин-тикин ишларига пухта ҳозирлик кўришмоқда. Мавжуд 25 та культиватор, 300 та борона, 15 та сеялка, 8 та чизел таъмирлаб бўлинди. Бу ишларда механизаторлардан М.Муҳаммаджонов, Н.Давлатов, С.Қулматов, Р.Абдураҳмоновлар ҳамкасбларига ўрнак бўлишмоқда.

Суратда: хўжалик бош ҳисолоти Қ.Худойқулов (чапдан ўнгга), бош муҳандис Б. Ўролов ва хўжалик раҳбари Н.Жумабековлар галдаги вазифаларни муҳокама қилишмоқда.

Н.АЛМУРОДОВ олган сурат.

Ижтимоий ҳимоя

ҒАМХЎРЛИК ҚИЛИШ-ДОИМ ЭЪТИБОРДА

Эндиликда «Нуробод» жамоа хўжалиги нафақат Олтиариқ туманида, балки Фарғона вилоятида ҳам кўзга кўринган йирик хўжаликлардан бири ҳисобланади. Мана, бешинчи йилдирки, унга Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими Ҳамиджон Турсунов етакчилик қилиб келяпти. Шу давр ичида хўжалик қолоқлик исканжасидан қутилиб, юксалишнинг ойдин йўлига чиқиб олди. Тўрт йилдирки, хўжалик меҳнаткашлари қишлоқ хўжалик экинларидан мўл-кўл ҳосил қўтариб, мўмай даромад эгаси бўлиб келишяпти. Хўжалик ҳудудида иккита қишлоқ фуқаролар йиғини мавжуд. Полосон қишлоғида 13 та маҳалла бўлиб, уларда 18 минг аҳоли истиқомат қилади. Хўжалик қишлоқлари юз фоиз газ ва ичимлик суви билан таъминланган.

- 1997 йилда 1077 гектар ерга чигит экиб, ҳар гектар ердан 36,4 центнердан ҳосил олиниб, давлатга жами 3 минг 923 тонна юқори навли дурдона сотиб, бу соҳадаги режани 119,26 фоизга ўринладик,-дейди жамоа хўжалиги бошқаруви раиси биз билан суҳбатда. 663 гектар ердаги бўғдойнинг ҳар гектаридан 36,8 центнердан жами 2 минг 443 тонна ғалла етиштирдик. Шундан 1650 тоннасини давлатга сотдик. Мева, пилла, узум сотиш режалари ҳам ошириб бажарилди. Барча соҳалар бўйича режалар ошириб адо этилгани хўжалигимизга мўмай даромад келтирмоқда. Масалан, пахтанинг ўзидан 88 700 минг сўм, дон, пилла, узум, қизилча ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан жами бўлиб 130 миллион сўм даромад қилдик. Хўжаликда рентабеллик даражаси 16 фоизни ташкил этди. Ана шу қилинган даромадларимизнинг кўп қисми қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини яхшилашга, ижтимоий ҳимоялашга сарфланмоқда.

Кўкламги ишларга техникани шай қилаётган таъмирловчиларнинг унумли меҳнат қилишлари учун қулай шарт-шароитлар яратиб берилмоқда. Бепул иссиқ овқат ташкил этилган. Механизаторларнинг оилаларидан хабар олиб турилибди. Уларга ун, гуруч, ўсимлик ёғи, гўшт ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларидан ёрдам берилаяпти.

- Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга, уларнинг унумли ишлаб, маданий ҳордиқ чиқаришига йил бўйи яхши эътибор бериб келмоқдамиз,-дейди жамоа хўжалиги касаба уюшмаси қўмитаси раиси Маҳаммаджон Мамадалиев. - Ўтган йилги пахта йиғим-терими даврида аҳолига 620 тонна бўғдой, 72 тонна ўсимлик ёғи, 101 тонна кунжара, 650 тонна сомон тарқатдик.

Бундан ташқари хўжаликдаги кам таъминланган оилаларга тўй-маъракаларни ўтказиш учун 1120 кг ўсимлик ёғи, 745 кг гуруч, 945 кг ун, 750 дона совун тарқатилди. 32 нафар иккинчи жаҳон уруши, Афғонистонда хизмат қилган, Чернобиль фожеаси қатнашчиларига пул ва озиқ-овқат маҳсулотларидан моддий ёрдам кўрсатилди. Халқаро ногиронлар куни муносабати билан 15 нафар ногиронлар оилаларига гуруч, ун, совун, макарон стказиб берилди.

Хўжалик аъзоларининг санаторий ва дам олиш уйларида ҳордиқ чиқаришларини уюштириш доим эътиборда бўлмоқда. Ўтган йили 27 нафар киши санаторийларда саломатликларини тиклаб қайтишди. «Юлдуз» болалар оромгоҳида эса 200 нафардан ортиқ болалар дам олдилар.

«Меҳнатдан келса бойлик, турмуш бўлар чиройли» деганларидек, хўжалик меҳнаткашлари мўмай даромад эгалари бўлишиб, бой ва бадавлат яшамоқдалар.

Аҳмаджон ТЎХТАСИНОВ,
«Ишонч» мухбири.

Меҳнат биржаси

КАФОЛАТЛИ ИШ ЎРИНЛАРИ

Меҳнат кишини улуғлайди, дейишади. Албатта, ижтимоий меҳнат кишини ақлий, жисмоний ва маънавий баркамолликка яқинлаштиради. Лекин гап ҳозир бу ҳақда эмас. Чунки, одамлар одатда баркамолликка эришиш мақсади билан эмас, балки, кўпроқ моддий манфаатдорлик туфайли меҳнат билан банд бўладилар. Иқтисодий муносабатларимиз бозор тамойиллари асосида шаклланаётган айни даврда эса ижтимоий меҳнат кишилар учун ҳатто зарурий эҳтиёжга айланиб бораётганини илғаш мумкин. Бинобарин, мазкур кучли эҳтиёж меҳнат бозорида қизғин рақобатни вужудга келтирди. Ўз-ўзидан маълумки, ногиронлар меҳнат бозорида энг рақобатбардошсиз ижтимоий қатлам ҳисобланади. Шу туфайли ҳозирги шароитда ногиронларни ижтимоий, иқтисодий ҳимоялаш, уларни иш билан таъминлаш муҳим масалалардан биридир. Юнусобод тумани Бандлик хизмати бу борада ибратли ишларни йўлга қўйиб олди. Айниқса ҳокимият қарори билан корхоналарда умумий штатдан 7 фоизини кафолатланган ижтимоий қатлам учун ажратилиши қаттиқ назоратга олинган. Чунончи меҳнат биржаси ногиронлар ҳуқуқини ҳимоялаш, уларни ишга жойлаштириш, бўшатиш, ишини ташкил этиш масалаларини биргаликда ҳал этиб бориш мақсадида тумандаги 12-ВТЭК билан шартнома тузган. Бундан ташқари туманда 7 фоизлик квота бўйича иш ўринларини ташкил этиш йўлида ҳам ибратли саъй-ҳаракатлар қилинаётир.

Мамлакатимизда ҳозир оламшумул ўзгаришлар юз бериб турибди. Баъзи боқиманда ўзибўларчилик кайфияти ҳукумрон корхоналар ўз-ўзидан банкротликка учраётган бўлса, айни вақтда янгидан ташкил этилаётган корхоналар ташкилотлар ҳам анча-мунча. Бандлик хизмати ана шу хўжаликлар билан бевосита боғланиб, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш мақсадида кафолатланган квоталик иш ўринлари очишни ташкил этаётир. Масалан, 1996 йилда жами 61 корхонадан 187 та иш жойи квота бўйича очилган бўлса, ўтган йилда бу рақам яна бир оз кўпайди. Туман ҳудудида жойлашган «УзДЭЎ электроникс» корхонасида биржа ташаббуси билан 42 та квоталанган иш ўринлари очилди, бугунги кунда уларга ишчилар тўлиқ жойлаштирилган. 1998 йилда туманда бундай иш жойларини янада кўпайтириш режалаштирилган.

- Корхоналарда меҳнат хавфсизлиги, қулай иш шароитини яратиш бўйича текширувлар ўтказиб турамиз,-дейди Юнусобод тумани Бандлик хизмати раҳбари Мактуба Ваҳобова. - Бундай меҳнат шароитларини ташкил этиш ишида кўпроқ кичик ва хусусий корхоналар билан алоҳида тушунтириш ишлари олиб боришга тўғри келаётир.

Албатта, давлат мулкини тасарруф этиш жараёнларида хусусий корхоналар кўплаб тузилаётир. Улар иқтисодий жиҳатдан мамлакат нуфузини кутаришга ҳам озми-кўпми ҳисса қўшаётирлар. Лекин иқтисодий натижалар билангина корхонада соғлом муҳитни сақлаб бўлмайди. Бунинг учун ижтимоий муҳофаза ҳам самарали йўлга қўйилиши даркор. Ана шундай зарурий муҳитни шакллантиришда Бандлик хизматларининг ўрни беқиёсдир.

Нодир АЛИМОВ.

Касаба уюшма янгиликлари: Оила йили

МАБЛАҒЛАР АЖРАТИЛДИ

«Узавтотранс» корпорацияси ва автотранспорт ва йўл қурилиши ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси Оила йили муносабати билан 1998 йилга мўлжалланган тадбирлар дастурини ишлаб чиқди.

Ана шу Дастурга биноан республикадаги автошоҳбекатлар ва автобошбекатлар ҳузурида она ва бола хоналарини ташкил этиш ва жиҳозлашга киришилди.

Меҳнаткашларни ва улар оила аъзоларини соғломлаштириш ва ҳордиғини ташкил этишга мазкур ҳужжатда катта аҳамият берилган. Чунончи даволанишга муҳтож ходимлар соғлиғини муҳофаза қилиш мақсадида соғлиқни сақлаш муассасаларига пул маблағлари ўтказиш ва ҳар йили бир марта ходимлар соғлиғини тиббий кўриклан ўтказиш учун 1 миллион 700 минг сўмдан кўпроқ пул ажратилган. Шунингдек, барча тоифадаги ишчи-хизматчилар ва улар оила аъзоларига тиббий ёрдамни яхшилаш мақсадида тармоққа қарашли тиббиёт шахобчаларини мунтазам ишлашини таъминлаш тадбирлари ҳам дастурдан ўз ўрнини олган. Бу мақсадлар учун бир ярим миллион сўмга яқин пулни ўтказиш режалаштирилган.

Бозор иқтисодиёти шароитида моддий қийинчиликлар ҳисобга олиниб, йўлланмалар нархини арзонлаштириш ва ишчи-хизматчиларни даволанишга кўпроқ қамраб олиш мақсадида қатор ишлар олиб борилмоқда. Ижтимоий суғурта маблағлари ҳисобидан сотиб олинган санаторий-курорт даволаниши учун йўлланмаларнинг 20 фоизини бепул, 60 фоизини ўн фоизи қийматида ва йўлланмаларнинг 20 фоизини қийматининг 20 фоизи ҳисобида бериш режалаштирилди.

Якка тартибда уй қурувчи-ходимларга ёрдам мақсадида 5 миллион сўм ажратилди. Уларга ҳар томонлама кўмак бериш кўзда тутилган. Жумладан, ижтимоий турар-жой банки маҳаллий органлари орқали узоқ муддатли кредитларни олиш ва расмийлаштиришда, қурилиш материалларини ташиш учун автотранспорт ажратишда ва бошқа шу каби ишларда ҳам кўмаклашилади.

Дастурда Оила йили муносабати билан яна қатор тадбирлар белгиланган. Чунончи, кам таъминланган ишчи-хизматчилар фарзандлари учун бир қисм ўқув қуроллари ва кийим-кечаклар сотиб олиб беришдек хайрли ишга ҳам қўл урилган. Мавжуд клублар, кутубхоналар, дам олиш масканлари моддий аҳволини яхшилаш фаолиятини такомиллаштириш юзасидан тадбирлар белгиланган ва маблағлар ажратилган.

Корпорация ва касаба уюшма Марказий қўмитаси ўртасида оила йили муносабати билан тузилган дастурда яна қатор мазмундор тадбирлар ўз аксини топган.

Б.СОЛИХОВ.

Сарҳисоб: қимматбаҳо қоғозлар бозори

ДИВИДЕНД-РАҒБАТЛАНТИРУВЧИ ДАРОМАД

Мулкчилиги давлат тасарруфидан чиқарилиб, корхоналарни аҳолига хусусийлаштириб бериш бошланғичида буён мамлакатимизда қарийб 4800 дан ортиқ ҳиссадорлик жамиятлари вужудга келди. Бунинг натижасида жамият ҳиссадорларида доимий тарздаги ойлик маош билан бир қаторда умумий даромаддан дивиденд олиш имкониятлари юзага келди. Акцияларга дивиденднлар тўлаш билан боғлиқ ҳуқуқий меъёрлар Узбекистон Республикасининг «Акционерлик жамиятлари ва акционерлар ҳуқуқининг ҳимояси тўғрисида»ги Қонуннинг 53-62 бандларида тўлиқ изоҳланган. Халқ хўжалигининг қайси тармоқларида акционерларга дивиденднлар ҳисоблаш, уни тақсимлаш ишлари қандай бораётганини таҳлил этиш иқтисодий ислоҳотларнинг умумий суръат-сифати қандай кечаётганини ҳам кўрсатади.

Маълумки, дивиденд бу солиқ ва турли хил бошқа зарурий тўловлардан озод этилган, корхона ривожи учун жамғарма ажратилгандан кейин акционерлик жамияти ихтиёрида қолган акционерлар ўртасида тақсимланадиган фойданинг бир қисмидир. Акционерлар ўртасида дивиденднлар акция турларига ва сонига мутаносиб равишда тарқатилади ва уни тўлаш даври, шакли кўзатиш кенгаши томонидан белгиланади.

Булардан кўриниб турибдики, акционерлик жамиятлари ўз акционерларига қонунда белгиланган муддатларда дивиденднлар тўлаб бериши унинг фойда даражасига боғлиқдир. Шундай экан, жамият акционерлари ўз акцияларига доимий равишда дивиденднлар олиб туришлари учун юқори даромад манбаига эга бўлишлари, яъни сифатли маҳсулотларни ошиқча сарф-харажатларсиз ишлаб чиқариш ва уларни истеъмолчиларга етказиб беришни таъминлашлари зарур. Бу ўтиш даври иқтисодиётида анча мураккаб масала, аммо турли тармоқ акционерлик жамиятлари маълумотларининг таҳлиллари бу соҳада анча иқтисодий силжишлар борлигини ҳам кўрсатаётир.

Ўз акционерларига дивиденднлар тўлаётган акциядорлик жамиятлари 1996 йил якунига кўра 54 фоизни ташкил этган. Аммо, бу кўрсаткич 1995 йилга нисбатан 12 пунктга камайган. Хусусан Агросаноат ҳамда ижтимоий тизимдаги акционерларга дивиденд ҳисоблаган корхоналар сони 1996 йилда 1995 йилга нисбатан бирмунча камдир.

Шуни таъкидлаш керакки, 1996 йилда республика халқ хўжалиги тармоқларида ҳисобланган дивиденднларнинг энг кўп миқдори агросаноат (41,8%) ва саноатдаги (36,9%) акционерлик жамиятлари ҳиссасига тўғри келади.

Энг ками эса транспорт (1,5%), алоқа (0,1%) ва ижтимоий соҳага (1,1%) тўғри келган. Бундай нисбатлар аслида ҳар бир тармоқда шаклланган акционерлик жамиятлари сони ва уларнинг устав жамғармаларининг салмоғи билан аниқланади.

Бугунга келиб, халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларида акционерларга дивиденднлар ҳисоблаш ва тўлаш салмоғи кўпайган. Саноат тармоқларидаги акционерлик жамиятларида 1996 йилда дивиденднларга маблағ ажратиш 1995 йилга нисбатан 2,7 мартага, транспортда 2,3 мартага, агросаноат мажмуида эса 2,1 мартага ошган. Булар тармоқ акционерлик жамиятларида фойда даражасининг ошганини кўрсатиш билан бирга, умуман ҳиссадорларга дивиденднлар тўлаётган жамиятларнинг сони ошганлигини кўрсатади.

Албатта, акцияларга дивиденднлар ҳисоблаб, уни мулкдорлар ўртасида тақсимлаш анча аҳамиятга молик масаладир. Бу эса ўз навбатида ҳар бир акционернинг умумий акциядаги улушига боғлиқ ҳолда амалга оширилади.

Республика халқ хўжалиги тармоқларида акционерлик жамиятларининг 1995-1996 йилларда тақсимлаган дивиденднлари асосан уч булакка, яъни меҳнат жамоаси, давлат улуши ҳамда тащқи инвесторлар акциясига қараб ажратилган.

Саноат тармоғи бўйича меҳнат жамоаси акцияларининг улушига ҳисобланган дивиденднлар улуши 1995 йил 37 фоизни ташкил этган бўлса, 1996 йилда эса бу кўрсаткич 48,7 пунктга кўпайган. Бу кўрсаткичга қандай эришилди, деган савол туғилади. Гап шундаки, бу хўжаликларда давлатга ҳамда ташқи инвесторларга мулжалланган акциялар улуши ошганини кўрсатади.

Транспорт, қурилиш тармоқларида меҳнат жамоаларига ажратилган дивиденднлар салмоғи бошқа тармоқ дивиденднлардан анча юқори ва улар анча тез кўтарилмоқда. Хусусан, 1995 йилда қурилиш тармоғининг 59,8 фоизи дивиденд ажратган бўлса, бу кўрсаткич 1996 йилда шу тармоқдаги дивиденднларнинг 64,3 фоизига тўғри келган, усиш 4,5 пунктни ташкил этмоқда. Транспорт мажмуи акционерлик жамиятлари меҳнат жамоаларига 1995 йилда 50,4 фоиз, 1996 йилда эса 52,2 фоиз дивиденднлар тўланди. Ҳозирча нисбатан кам дивиденднлар салмоғи агросаноат акционерлик жамиятлари меҳнат жамоалари улушига тўғри келмоқда. Бу тармоқда ҳаммаси бўлиб 34,9 фоизни ташкил этади.

Бир сўм қийматда устав жамғармасига тўғри келаётган дивиденднлар ҳам ҳалқ хўжалиги тармоқлари бўйича турличадир. Саноат мажмуи тармоқларида 1995 йил бир сўм устав жамғармасига 0,11 тийин, 1996 йилда эса 0,19 тийин, транспортда 0,09 ва 0,14 тийин, агросаноат мажмуида 0,16 ва 0,27 тийин, ижтимоий соҳада 0,07 ва 0,1 тийин дивиденднлар ҳисобланган. Бу кўрсаткичлар халқ хўжалиги тармоқлари акционерлик жамиятларида содир бўлаётган ижтимоий ўзгаришларни кўрсатибгина қолмай, балки акционерларни ўз корхоналарининг иқтисодий самарасини кўзлашдан манфаатдорлигини ҳам кўрсатади.

Акционерлик жамиятлари меҳнат жамоаларига дивиденднлар тўлаш, улар даромадларини оширишни таъминлаш билан бирга, аъзоларнинг ўз ишига, корхонанинг истиқболига бўлган ишончини мустаҳкамламоқда. Бундай ижобий ўзгаришлар албатта ўз-ўзидан юзага келмайди. Тез олиш керакки, меҳнат жамоаларининг аксариятида ҳали акционерлик жамиятларига қонунда кўзда тутилган барча бурчлари, ҳуқуқлари тўла бажарилаётгани йўқ. Айниқса, меҳнат жамоасининг корхонани бошқариш учун қарорлар қабул қилиш ролини ошириш ҳудди акцияларга дивиденднлар тўлашдек муҳим қонуний ҳуқуқдир. Меҳнат жамоасининг бундай ҳуқуқий бурчларини амалда тўла ижро этилиши, акционерлик жамиятлари бошқаруви раҳбарлари ҳамда кўзатиш кенгаши аъзолари ҳаракатига боғлиқдир. Ҳамма акционерлик жамиятларида ҳам бу ҳуқуқ нуқсонсиз бажарилаяпти деб бўлмайди. Буни биз ўтказган тадқиқотлар натижалари кўрсатиб турибди. Агар меҳнат жамоаларида акционерлик жамияти фаолиятини бошқариш билан боғлиқ қонуний ҳуқуқларга тўла риоя қилинганда эди, у жойларда ишлаб чиқариш самараси яқ-қол кўзга ташланар, ислоҳотлар натижаси самаралироқ бўлар эди.

Бозорбой БЕРКИНОВ,
иқтисод фанлари доктори, профессор.

1998 йил — Оила йили

ОИЛА даврасида

ХАНДАЛАР

Комиссия қамоқхонани текширяпти:

Комиссия раиси бир маҳбусдан сўради:

- Нима учун сен бу ерда ўтирипсан?

- Аблаҳлар чиқариб юборишмаяпти!

***

Бир киши қўшнисидан сўради:

- Нима гап, кеча мушигингиз роса миёвлади?

- Уни ювган эдим!

- Мен ҳам ювинтириб тураманку, бироқ у бунақа аюҳаннос солиб додламайди!

- Сиз уни ювиб бўлгач, сиқасизми?

***

Фотокамера кўтариб олган бир киши соҳил бўйлаб ўтиб борарди. Бирдан унинг олдига бир аёл келиб бақира кетди:

- Юринг, тезроқ дугонам чўкяпти!

- Менинг пленкам тугаган.

Оила ва ҳуқуқ

ИМКОНИЯТ ТОПИЛМАГАНДА...

Ҳаммамизга маълум бўлганидек, оила жамиятнинг таянчидир. Ҳар бир ёш йигит-қизлар турмуш қурар экан, кексаларимиз «қушганинг билан қуша қаринглар» дея тилак билдиришади. Қанийди ўша янги оилаларнинг ҳаммаси умрларининг охиригача қўша-қариша, ўртада совуқчилик, ажралиш деган мудҳиш англашилмовчиликлар бўлмаса. Лекин минг афсусларки ҳаёт ҳар доим ҳам бир текис булавермайди. Қандайдир тушунмовчиликлар туфайли баъзи ёш оилалар ажраб кетишга мажбур бўлишади. Уларни яраштириш, ўртадаги фарзандларни етим қилмаслик учун атроф-дагилар - уларнинг ота-онаси, қариндош-уруғлар, маҳалла-кўй қўлидан келганича ҳаракат қилишади. Аммо шундай ҳоллар буладики, оилани сақлаб қолишнинг умуман имконияти бўлмай қолади. Яъни пешонада ёзилган тақдирдан ҳеч ким қочиб қутулолмайди. Ана шундай пайтда тақдир қурбонлари ҳар доим ҳам қандай ҳақ-ҳуқуқларга эга эканликларини, билавермайдилар.

Никоҳни бекор қилиш ҳақидаги ишни кўриш жараёнида суд аввало эр-хотинни яраштириш чораларини кўради, яъни суд ишни кўриб чиқишни бошқа вақтга қолдириб эр - хотинга ярашиш учун олти ойгача муҳлат беради.

Бу олти ойлик муҳлат бир йўли ёки бўлиб-бўлиб берилиш ҳам мумкин. Олти ойлик муддатни беришдан мақсад битта эр-хотиннинг шошма-шошарликка йўл қўйиб, ўртадаги болани тирик етим қилмасликнинг олдини олишдир. Баъзан одам шошганда ёки алам, аччиқ устида яъни ақл қочганда нима қилаётганини ўзи ҳам сезмай қолади. Бу олти ойлик муддат эса ана шундай пайтда ҳар бир кишини бу масалада чуқурроқ ўйлаб кўришга, охирини- оқибатини чуқур таҳлил қилишга катта хизмат қилади. Чунки баъзан узоқ уринишлардан, тушунтиришлардан кейин кўп оилалар мулоҳаза юритиб ажралиш фикридан қайтган ҳоллар ҳам учраб туради.

Лекин оилани сақлаб қолишнинг имконияти бўлмаса-чи...

Хотининнинг ҳомиладорлиги вақтида бола туғилганига қадар никоҳдан ажралиш тўғрисида хотиннинг розилигисиз судга ариза беришга ҳақлик эмас.

Суд агар эр билан хотиннинг бундан буён биргаликда яшашига ва оилани сақлаб қолишга имконият йўқ деб топса уларни никоҳдан ажратади.

Суд эр-хотинни ажратиш ҳақида қарор қабул қилгандан кейин улар ўртасидаги болаларни келгусида қайси бири билан қолишини болаларнинг ҳамда меҳнатга лаёқатсиз эр ёки хотиннинг таъминоти учун нафақа ундиришни, ўрталаридаги умумий мулкни бўлиш ҳақидаги низоларни ҳам бир йўла ҳал қилади.

Агар мулкни бўлиш учинчи шахсни манфаати билан дахлдор бўлса бу масала алоҳида кўрилиши лозим. Кўпинча кишилар орасида қандай никоҳ ҳақиқий деб ҳисобланиши ҳам никоҳ ҳақиқий эмас деган муаммоли саволлар ҳам учраб туради.

Ҳақиқий бўлмаган никоҳ деб «Никоҳ ва оила» кодексини 19-моддасида айтилганидек - юқорида кўрсатилган ҳолатлардан ташқари зўрлик билан тузилган никоҳ сохта тузилган никоҳ ҳисобланади. Шунингдек никоҳни ҳақиқий эмаслигини аниқлаш фақат суд томонидан амалга оширилади.

Никоҳ ёшига етмаган шахс билан тузилган никоҳ ўша шахснинг манфаатлари талаб қилган ҳоллардагина ҳақиқий деб топилиши мумкин.

Эр-хотиндан бири иккинчисидан ўзининг бошқа никоҳда турганини яширган бўлса, никоҳ ҳақиқий эмас деб топилганидан кейин суд ҳақиқий бўлмаган никоҳда турган шахсни таъминоти учун маблағ ундириб бериш ҳақли. Қолаверса, уларнинг бирга турган вақтларида жамғарган мулкларига эр-хотиннинг умумий мулкларига белгиланган қоидалар бўйича мулк эгалиги ҳуқуқини аниқлаштириб беради.

Никоҳни ҳақиқий эмас деб таниш шу никоҳдан туғилган болаларнинг ҳуқуқларига таъсир қилмайди.

Қонун, ҳам ўз йўлига. Лекин бизнинг ва ҳаммамизнинг тилагимиз битта ҳар бир одамнинг уйида-оиласида тинчи бўлсин.

Т.ХОНХЎЖАЕВ,
адвокат.

Урф-одатларимиз, анъаналаримиз ҳақида ўйлар

ТОҒОРАЛАР ТАШВИШИ

Нигора ва Камола бу хонадонга бир кунда келин бўлиб тушишган. Бугун чин арафа, эртага ҳайит. Данғиллама иморатнинг ҳашаматли дарвозаси олдига узун сигнал бериб енгил машина келиб тўхтади. Уйидагиларни сабрсизлик билан кутаётган Нигора югуриб кўча эшикка чиқди, янгаси билан кўришаркан, «намунча кеч қолдинглар», дея тоғораларни ичкарига олиб киришга ёрдамлашди. Тоғоралар турна қатор пешайвонга терила бошлади. Унинг кети узилмасди: «Нечта тоғора кепти кенойи, вой бу бунча кўп», дерди кичкина қайнисингли си.

- Сенга ҳам шунақа қиламиз, келин бўлсанг. Қоч ҳалақит бермай тур, деди тоғораларни бир-бир очаётган қайнэгачи тоғорадан ташқари сарполарни бирма-бир кўздан кечираркан. Қуда холам кўп уринибдиларда деди кўзлари ёниб.

- Мана бу сарпо сизга қуда хола, буниси эркак қуламларга, буниси катта бувиларига, қайнэгачиларига, қайниларига, қайнисингилларига мана булари кичкинтойларга, Хайитликда айланай, деди Нигоранинг янгаси.

- Вой қудамдан айланай, жуда зийраклар-да, кичкинтойларни ҳам эсдан чиқармабдилар, деди қудаси оғзининг таноби қочиб.

- Ойижоним жуда орзу ҳаваслилар-да.

Нигорахон, ойим айтдиларки бугун ҳайит куни ҳар соатда бош-оёқ либосларингизни алмаштириб кийиб чиқаркансиз, тушундингизми?!

- Ҳа, янгангиз жуда тўғри айтяптилар. Маликалардай ясаниб юринг, душманларим кўриб, куйиб кул бўлсин, деди қайнонаси қошларини кериб.

- Нигора, овсинингнинг сени бу юришларингни кўриб ичи ёниб кетди-ё,-деди катта опа.

- Тўғри айтасиз, мени кийинишимни кўролмайди. «Менга сиз дид билан кийинмайсиз. Эссизгина қимматбаҳо кийимларни увол қиласиз, яраштириб киймайсиз»,дейди.

- Узида йўқда, алам қилганидан шундай дейди. Унга тоғоралар қандай келди. Столлари қанақа ясатилди, бир холатдир?

- Ҳа, бор йўғи ўнта тоғорани онаси зўрга қипти.

- А, унда нимасига керилади. Унга қўшилма у сани тенгинг эмас.

- У уқиган дўхтирмиш.

- Воҳха-ҳа, — деди катта опа тилла тишларини ярқиратиб қуларкан, дўхтир, қанақа дўхтир! Ойлиги қанчалигини бир эслатиб қўй. Шунча йил уқиб оладиган пулини эслатиб қўй. Э, ўргилдим. Мана мен уқимаган бўлсам ҳам ҳеч нарсага муҳтож эмасман деб.

- Онаси маҳаллада активмиш. Урф-одат, маросимлардаги сарф ҳаражатларни меъёрида ўтказиш - тоғора, сарполарни сонини кўпайтирмаслик учун текширишлар олиб боришармиш. Қайнонамларга ҳам онаси ақл ўрганиб кетаётганди, ойим бопладилар. «Қуда, қилсангиз ўз боланги учун қиласиз. Менга қуда бўпсизки, сиздан орзу ҳавас кўрмадим. Ҳамма ҳам дунёи боумид ўғил уйлантиради, дедилар. Шунда онасининг ранги ўчиб «Сизга қизимни олий маълумотли қилиб ўқитиб икки қуллаб хизматингизга бериб қўйибманку девди, Ойим ҳам бош келмадилар, олий маълумотидан нима фойда! Топган пули йўл кирасига зўрга етади. Қизингизни дўхтир дейишса, маҳалламиздаги Зарип дўхтирга ўхшаган бўлса керак, деб уйлаб келин қилгандим. Ана Зарип дўхтир қиз узатди бутун маҳалланинг оғзи ланг очилди. Қизининг хайитида юздан ортиқ тоғора қилди. Осилсанг баланд дорга осил дейишганича бор экан. Менга ҳеч тенгмассизлар, дедилар.

Шундай қилиб ҳайит ҳам ўтди. Ҳайит куни бошланган тоғора, сарпо можароси кўп ўтмай Камоланинг қорнидаги ҳомиласи билан уйига кетиб қолиши билан тугади.

Орадан 3 ой ўтмасдан Камоланинг эри Ҳамид онасининг қистови билан бадавлат бир қизга уйланди.

- Болам, келинни кўпинча ёлғиз қолдирасан. Қаерларда юрасан, яна ўша таги паст билан топишиб олганмисан. Келин отасига кўзёш қилган шекилли, қайнотанг хафа бўлаяптилар, деди бир куни Ҳамиднинг онаси.

- Ойижон, сиззи райингизга қараб уйландим, лекин унга ҳеч кўнглим йўқ. У хотиним мени кечирмаяпти. Яқинда туғилган фарзандимни ҳам кўрсатмаяпти. Бу келинингизда бола ҳам бўлмаяпти, дўхтирларнинг айтишича бўлмас ҳам эмиш.

- Жа ўша таги паст юрагингдан урган эканда, а ярамас. Шунча бойлик, тагингда машина, эрка қуёв бўлиб юрувдинг.

***

Арзимаган мол-дунё, тоғора ташвиши-ю, сарпо туфайли бинойидек оилалар бузилиб, натижада кўнгил ойнаси синиб, келину-овсинлар орасида ўксинишлар юзага келяпти. Бу ҳақда шунча гапирилса ҳам айрим жойларда урф одатларимизга, анъаналаримизга тўғри ёндошмай ошириб юбориш натижасида оилалар дарз кетяпти. Бу ҳақда Сизнинг тавсияларингиз ва фикрингизни билиш мақсадида айрим лавҳаларни келтирдик холос. Сиз нима дейсиз азиз ўқувчи!

Фарида УСМОНОВА,
шоира.

Эътироф

ОТАЛАР ТАНЛАГАН ЙЎЛ

... Чучиб уйгондим. Нега чучиб кетдим, ўзим ҳам бундан ҳайронман. Ташқарига чиқдим. Кўкда юлдузлар чарақлаган, ой атрофга нур таратаётир.

Ҳадемай тонг ёришади. Узоқ-узоқлардан эса карнай-сурнай овозлари келаётир. Ҳа, кимдир юртга ош бераяпти. Ким экан у? Ёдимга тушди, шофёр Нурмат ўғлининг қулини ҳалолламоқчи эди, тунов куни айтиб кетганди.

Қуни-қушниларнинг биронтасини уйида чироқ ёнмаган. Ким бораркин? Негадир шу аснода беихтиёр эсимга Холдор ота тушди.

Холдор ота... Биз ўсмир эдик. Ҳар тонг ота саҳарлаб маҳалла кўчалари бўйлаб аста юрганича биз тенгиларни тўйга-ошга чақирарди. Албатта бундан баъзи катта ёшдагилар ҳайрон қолишар, айримларининг эса жигибийрони чиқарди.

- Қизиқмисиз, Холдор ака! Бу болаларни нега чақирасиз? Ҳеч тушунмаймиз.

Бу сўзларни эшитган Холдор ота мийигида кулиб қўяр, сурайвериб ҳоли-жонимга қўйишмаса оғир бир суниқ руҳда шошилмай дерди:

- Ҳаммамиз бугун бўлмаса, эртага албатта бу дунёдан ўтамиз. Тобутимни мана шу болалар кўтаришади. Болаларим тобут кўтаришганида чарчаб қолишмасин, иликлари тўқ бўлсин дейман-да. Ота сўзини эшитганлар жим қолишади, кейин бир-бирларига: «товба, Астағфурилла» деб қўйишади. Улим ҳақ экан. Холдор ота оламдан ўтгач ўша ўзлари бошларини силаб алқаган ўсмирлар тобутини кўтардилар. Ана ўшанда ота сўзларига бефарқ қараганлар ўйланиб қолдилар...

* * *

Автобусни курганимда турвақоқар Гавҳар қизимга писта олиш ёдимга тушиб қолди. Шоша-пиша бекатда ўтирган ўрта ёшлардаги, қорачадан келган жувондан бир стакан писта олдиму автобусга чиқдим. Йўлда пистани кўриб ёқа ушлаб қолдим. Кесак, тош аралаш устига устак қуйган, пуч писта. Шу топда маҳалламиздаги Ҳожибувани эсладим. Урта бўйли, бўғдойранг, қадди бироз эгик бувани кўпинча бекатда писта сотиб ўтирганига кўзим тушарди. Кичик, лекин тоза оқ халтаси доим пистага тўла бўлар, яқин-узоқдан писта олувчилар келарди. Бува пистани бошқаларга қараганда мўлроқ қилиб берарди. Қуйган, пуч писта бўлмасди. Доим ичини ковлаб турарди. Сабабини сурасак: «Тош-пош чиқиб тиш синдирмасин» деб қўярди.

Ҳожибува Маккаю мукаррамага ҳажга борган. Буни биз кейинроқ билганмиз. Болаликка бориб писталаридан «олганмиз». Негаки бувани-нг кўзлари яхши кўрмасди. Писта олганимизни пайқаб қолганида бош чайқардида: «Болаларим доим ёдингизда тутинг-лар, ҳаром нарса ҳеч юқмайди, ҳалол бўлинг. Шунда емишингиз тотли ва баракали бўлади, умрингизга умр қўшилади» дерди.

Хожибува ўқимишли одам эди. Шу боис уйида китобхонлик учун келганлар кетиб узилмасди. Ҳамма Хожибуванинг оғзини пойларди. Пурҳикмат сўзларини эшитган кишининг руҳи кўтарилгандай бўларди. «Риёкор бўлманг. Сўзингиз билан ишингиз баравар бўлсин. Агар сиз одамгарчилик ҳақида кўп гапириб шунга узингиз амал қилмасангиз сизга бўлган ихлоси сўнади» деган сўзни қайта-қайта таъкидлар-ди.... Қўлимга олган бир сиқим пистани ерга улоқтирдим. Пул васвасасига берилган, сўзда бошқа, ишда бошқа бўлганлар олдида Ҳожибува ниҳоятда азиз ва муқаррар бир инсон эканлигига яна бир бор имон келтирдим.

***

Маҳамат ота... Баланд бўйли, қотмадан келган бу отахон юз-кўзларидан нур ёғилиб турарди. Унинг хафа ёки тунд ҳолда юрганини ҳеч ким эслолмайди. Уруш кўрган, қон кечган отахон узоқ йиллар далада ишлади. Умрининг сўнгги йилларида йўлга тукилган пахтани териб юрди.

Ота ниҳоятда хушмуомала инсон бўлиб, кўрганга биринчи бўлиб салом беришга одатланганди. Биз болалар отага биринчи бўлиб салом беришга интилардик. Шунга қарамай отахон кўпинча биздан аввал салом беришга улгурарди.

Совет таълимини олганимиз, миллий қадриятимиздан узилиб қолганимизни билмай отахонни саводсиз, гўл одам ҳисоблардик. Энди билсак бизга ўхшаб мактабу институт кўрмаган бўлсада саводли экан. Негаки каттаю кичик демай биринчи бўлиб салом берган киши Аллоҳ таолонинг энг азиз одами экан.

Уйлайман, лекин уйим тагига етолмайман. Орамизда камтар ва камсуқум одамлар борлигидан яйрайман, мана шу олам ана шулар қўйган таъмал тоши туфайли турганлигига ишонч ҳосил қиламан. Улар гўё руйи заминдаги биродарларига мисоли ёғду каби нур сочиб, йўл курсатаётгандек туюлаверади.

Холхўжа МИРЗАЕВ,
Янгийўл тумани.

Гулистон шаҳридаги «Каттабек» хайрия хусусий кичик корхонаси жамоаси дорахона, гўшт дўкони ва музқаймоқхона бинолари қурилишини жадал суръатларда олиб боришаяпти.

Суратда: (чапдан) жамоа бош муҳандиси Р. Бекманов ва шаҳар ногиронлар жамияти раиси К.Сотболдиевлар.

Н.АЛМУРОДОВ олган сурат.

Оила даромади: уни қандай кўпайтириш мумкин?

ОЗГИНА ҚУНТ, ҲАФСАЛА КЕРАК...

Бир олийгоҳда таҳсил олган сабоқдошим Моҳира буюртма олиб турли хил ширинликлар пиширишини эшитганимдан кейин менда ҳам янги йил байрами учун унга торт тайёрлатиш истаги туғилди. Ва шу баҳона...

Курсдошим мени илиқ кутиб олди. Ичкарига таклиф қилди. «Ортиқча оворагарчиликнинг кераги йўқ» дейишимга қарамай, чой қўйиб, дастурхонни тўкин қилиб ташлади. Сабоқдошларимизни, бизга таълим берган устозларни эслашиб олдик. Сунгра ундан оилавий шароитига қизиқиб:

- Моҳира, турмуш ўртогингиз ўқитувчи экан, унинг устига 3 та бола, сиз ишламас экансиз, бўеги тирикчилик-тирикчилик деганларидек, қийналиб қолмаяпсизларми? — дея сурадим.

- Эй, дугонажон, қўлингизда ҳунарингиз бўлса, қандай шароитда яшашингизга қарамай хор бўлмас экансиз. Худога шукр, шу пайттача ҳали етишмовчилик қийнагани йўқ. Хабарингиз бўлсаям керак - буюртмага торт пишираман.

- Даромади қандай, яхшими ахир,- қизиқиб сурайман мен.

- Ҳафтасига бир ярим минг сўмгача тушиб туради. Туй мавсуми, байрамларда-ку мижозларим кўпайиб кетади. Ундан ташқари туғилган кунларда ҳам торт тайёрлатишади. Мана, Янги йилга жуда кўп буюртма олганман.

- Сир бўлмаса, қанчага пишириб берасиз?

- Ҳажмига қараб. Агар тортга кетадиган масалликларини ўзлари олиб келишса каттароқларини 300 сўмга, кичикроқларини 200 сўмга, масаллигини ўзимдан қўшсам 500-600 сўмга истаган ҳажмда пишириб бераман.

- Мижозларингизга қимматлик қилмайдими?

- Қимматли қиладими, йўқми билмадиму, лекин мен тортни номигагина пиширмасдан унга бутун қалбим, заҳнимни бағишлайман- мен учун у бир санъат. Шунинг учун мижозларим мамнун бўлишади.

Хуллас унга торт тайёрлатиш фикридан қайтдим. Очиги уялдим. Ахир менинг Моҳирадан қаерим кам? Наҳотки, у қилаётган ишни мен қилолмасам. Фақат озгина қунт ва ҳафсала қилсам, балки мен ҳам, бошқа аёлларимиз ҳам шундай ширин торт пишира олармиз?

- Бу ҳунарни қаердан ўргангансиз? Кейин қолаверса, болалар билан қийналиб қолмаяпсизми?

- Икки йил бўлди бу иш билан шуғулланаётганимга. Синглим қандолат пишириш цехида ишлаб юрганида ўшандан ўрганганман. Битта тортни пишириш учун атиги 2-3 соат вақтим кетади. Демоқчиманки, уззу-кун шу иш билан банд бўлганимда эди балки, болалар қийналиб қолишарди...

Яна бир яхши томони эса, яқин қариндош уруғларимнинг туғилган кунларига доим совғам тайёр, яъни торт пишириб бораман - менимча, энг яхши совға шу бўлса керак.

Барно СУЛТОНОВА.

Болаларингиз билан бирга ўқинг

Dono dehqon

(Qirg'iz xalq ertagi)

Bor ekan, yo'q ekan, qadim zamonda bir axmoq xon o'tgan ekan. U bekorchilikdan zerikib, yigitlarini chaqiribdi. Yigitlariga haqiqiy axmoqni topib, saroyga olib kelish to'g'risida buyruq beribdi.

Xonning ikkita yigiti otlariga minib, haqiqiy axmoq qayerdasan, deb xon buyrug'ini bajargani jo'nabdi.

- Biz axmoqni qayerdan topamiz ? Agar oddiy odamni olib keladigan bo'lsak, xon bizga rahm - shafqat qilmaydi, - deb tashvishlanibdi birinchi yigit.

- Shunga ham bosh qotirib o'tiribsanmi ? - debdi ikkinchisi.

- Biz birinchi uchragan kishini dast ko'tarib, xon oldiga olib kelamiz, xon uning haqiqiy axmoq emasligini qayerdan biladi ?

Shunday deyishib, ular yo'lga ravona bo'lishibdi. Oxiri yigitlar bir dehqonga duch kelib, unga :

- Sen hoziroq xon oldiga borasan yoki bizga haqiqiy axmoqni topib berasan. Xonning buyrug'i shu.

Dehqon o'ylab turib, javob qilibdi.

- Haqiqiy axmoq, - axmoqni qidirtirgan xonning o'zi. Shuningdek, axmoq qidirib yurgan xonning yigitlari ham qip-qizil axmoq. Bulardan o'tadigan axmoqni siz topolmaysiz. Yigitlar birdaniga :

- Sen xonimizni haqorat qilding ! - deb baqirishibdi. Xonga aytamiz.

- Mayli aytavering, xon o'zining axmoqligini bilib qo'ysin, - deb javob qilibdi dehqon.

Xon yigitlari saroyga borib, voqeani aytib berishibdi. Xon darhol dehqonni ushlab, bog'lab keltirishni buyiribdi. Yigitlar dehqonni olib kelishibdi.

- Biz shunaqasini izlagan edik - debdi xon kulgi bilan.

- Demak, sceningcha, men axmoq ekanman-da? Agar sen o'zingni aqlli deb bilsang, mana senga tulporim, uni o'rgat. Bu ishning uddasidan chiqmasang, dorga ostiraman.

Dehqon xon tulporini uch kun parvarish qilibdi, boqibdi, sug'oribdi, qashlabdi, to'rtinchi kuni xonga aytibdi :

- Janobi xon, sizning tulporingiz chinakam uchar ot ekan. Ammo uning tanasida eshak qoni bo'lib, sigirning odati bor ekan.

- Bu gaplarni eshitib, xon uni dorga osishga buyuribdi. Lekin bu ishga xonning keksa onasi aralashibdi.

- Ey o'g'lim, jahling chiqmasin ! Shunday voqea yuz bergan edi. Bir vaqtlar ot yilqilarga aralashib ketgan. Ularning ichida biya bo'lgan. Sening tulporing o'sha biyadan tug'ilib, yulda qolib ketgan ekan. Men onasidan yetim qolgan qulunni buzog'ini yo'qotgan sigirga qo'shib qo'ydim. Tulporing ana shu sigirning sutini emib katta bo'lgan.

- Sen buni qanday qilib isbotlaysan ? - deb so'rabdi shu vaqt xon dehqondan.

- Men uch kundan beri tulpordan nari ketmadim, - deb javob beribdi dehqon, - tulpor otxonadan chiqqanda doim orqa oyoqlarini silkitadi. Shu sababli men tulporda sigirning odati borligini ko'rdim.

Kechasi unga pichan solqanimda, eshakday hangraydi. Demak, tulporingizda eshak qoni bor. Dehqonning ziyrakligi xonga yoqib qolib, uni behisob sovg'alar bilan siylabdi.

Oradan bir necha kun o'tgach, xon dehqonni yana chaqirib, debdi.

- Qani ayt-chi, xudo qayerda turadi ?

- Bilasizmi, agar men juldur kiyimda bu savolingizga javob bersam xudo meni jazolaydi. Men xon qiyofasida bo'lishim kerak. Siz mening kiyimimni kiyib, tiz cho'kib o'tiring, men sizning xonlik libosingizni kiygandan keyin savollaringizga javob berayin.

Xon rozi bo'libdi, ustidagi qimmatbaho libosini yechib, oddiy dehqonga beribdi, uni taxtga o'tqazibdi, ularga buyruq beribdi :

Sizlar shu vaqtgacha axmoqni topa olmadinglar, hozir u mening oldimda tiz cho'kib o'tiribdi.

Dehqonning donoligiga tan bergan xon, uni taxtiga loyiq bilib, yurtga hukmron qilib qo'yibdi.

Машриқзамин дарғалари

ЗАБАРДАСТ ШОИРА

Зебуннисо бегим Заҳириддин Муҳаммад Бобур подшоҳнинг панневараси Абу Зафар Муҳийиддин Муҳаммад Аврангзеб Оламгирнинг қизи бўлиб, онаси Дилрасбону Шоҳнавозхоннинг қизидир. Дилрасбону эса Бобуршоҳнинг Гулбадан бегим исмли қизига бориб туташади. Зебуннисо бегим (1048 ҳижрий йил шаввол ойи) 1639 йил мелодий, феврал ойида Деҳлида туғилган.

«Тазкират ул-хавотун»да ёзилишича, Аврангзеб Оламгирнинг беш ўғли ва беш қизи бўлган Қизлари — Бадриннисо бегим, Зебуннисо бегим, Зийнатнисо бегим, Зубдатнисо бегим ва Меҳриннисо бегимлардир. Зебуннисо ўз замонасининг фозила аёлларидан Ҳафиза Марям бону қўлида савод чиқаради. Аврангзеб қизида шоиралик истеъдодини пайқаб, унга ўз даврининг етук олимларидан Мулло Муҳаммад Ашраф Исфаҳоний ва Мулла Жевонни муаллим қилиб тайинлайди. Натижада, Зебуннисо забардаст шоира, етук олима, уста танбур чертувчи созанда ва моҳир ҳаттот бўлиб етишади. Араб — форс тилларининг сарфу наҳвини, фиқҳ, мантиқ, фалсафа ва тарих фанларини пухта ўзлаштиради. У насталиқ, насх ва шикаста хатларини зўр маҳорат билан битган. Шу боис, Қуръони каримни бир неча маротаба ҳуснихатда кўчирган ва ёддан қироат билан ўқиган.

Зебуннисо бегим ҳимматли ва саховат соҳибаси бўлган. У айниқса, олимларга шоирларга ва санъат аҳлларига ғамхўрлик ҳамда ҳомийлик қилиб, уларга маош тулаб турган. Ҳуллас, илм ва санъатнинг ривожига муҳим ҳисса қўшган. Зебуннисо бегимнинг бир неча шогирдпешалари бўлиб, уларни илм-маърифат, одоб ва ғазалиёт бобида тарбиялаб, камолатга етказган. Шарқнинг машҳур файласуф шоири Мирзо Абдуқодир Бедил ҳам ўз қизини Зебуннисо бегим тарбиясига топширган. Натижада у шоиралик даражасига етишган.

Зебуннисо бегимнинг ҳаёт йўли афсонавий лавҳага ўхшаб кетади. У ақл-идроқда тенгсиз, юксак шеърий истеъдод соҳибаси, назм мулкининг маликаси, маликалар ичра гўзали. Зебуннисо бегим ҳусну латофат ва малоҳатда беназир, фазилатда беқиёс булса-да, ўзининг 63 йиллик умри давомида ўзига муносиб ҳамдард ёр топа олмади. Бинобарин, ўзининг ғазалларидан бирида шундай ёзади:

Тандин ажралсин у бош гар лойиқи дор ўлмаса.
(Эй гулбадан сени пардасиз кўриш орзусидаман,
Ҳусну латофатларингга етишмак орзусидамен.)

Зебуннисо бегим шаҳзодага қуйидаги жавобни йўллайди:

Булбул аз гул бигузарад гар дар чаман бинад маро,
Бутпарасти кай кунад гар бараҳман бинад маро.
Дар сухан пинхон шудам,
монанди бу дар барги гул,
Майли дидан ҳарки дорад, дар сухан бинад маро.
Синсин ул қўл гар ёр бўйнига чирмашмаса.
Ул киши қандай кўтаргай тонгла махшар бошини.
Гар унинг кўксида доғи лоларухсор ўлмаса.
Бу жаҳондин кўзни юм, кўз олдида ёр ўлмаса.
Кўр бўлмоқ яхшидур, кўзи хуммор ўлмаса,
ЮЗ баҳор охир бўлиб, ҳар чаккадан жой олди гул.
Хайфдур — бизнинг гулимиз зеби дастор ўлмаса.
Хайф зоҳид салласига ким, бу нечу тоб ила.
Тасбеҳига ип бўлиб, зуннор учун тор ўлмаса,
Ҳар матога бор харидор хуснинг бозорида,
Не учун Зебуннисо қариб, харидори ўлмаса.

Зебуннисо бегим ёзганидек, унга «харидор» топилмади эмас, аксинча харидорлар кўп бўлган. Аммо шоира уларни ўзига муносиб кўрмаган. Масалан Эрон шаҳзодаларидан бири Зебуннисонинг ҳусн-латофатда танҳолигини эшитиб, уни ғойибона севиб қолади. Унинг фироқида куйиб, ошиқона ғазаллар ёзиб, улардан бир мисрани Зебуннисога юборади.

Туро эй гулбадан бепарда дидан орзу дорам,
Латофатхойи ҳуснатро расидан орзу дорам.
(Гул баҳридан воз кечур, булбул чаманда кўрса мени,
Бутпарастликни не қилур, гар бараҳман кўрса мени.
Гул ҳидидек яроғида, сўзда пинҳон бўлмишам,
Кимда кўрмак майли бўлса, сўзда ул кўрсин мени).

Зебуннисо бегимнинг ўз ошиқларига берган жавоблари ҳамда мушоира учун ёзган ғазаллари, унинг шеърият бобида улкан санъаткор ва юксак истеъдод соҳибаси эканлигидан далолат беради. Аммо бу жавобда, ҳозир жавоб, хассос шоиранинг эр зотига унчалик майли бўлмаганини ҳар ким ҳар хил таҳмин қилса-да, аслида табиатан гўзаллик, илм-фан, санъат шайдоси бўлган Зебуннисо вафодор ёр васлини ана шу фусункор оламдан қидирган.

Зебуннисо бегимнинг ҳаёт тарзидан айрим лавҳаларни ўз ичига олган Ҳакимхон турининг «Мунтаҳабат таворих» асарида нақл қилинишича, кунлардан бир кун Зебуннисо опасининг уйига меҳмон бўлиб боради. Иттифоқо, опасининг ҳамл муддати тўлиб, тўлғоқ тутиб, қаттиқ азоб чекиб турган пайтига тўғри келади. Зебуннисо бу манзарадан қаттиқ ҳаёжонланиб, ўз-ўзига жўфтликнинг оқибати шу бўлса, дунёдан тоқ утганим яхшироқ деб аҳд қилган эмиш.

Бу ривоят шубҳасиз аёллар табиатига мос келмайдиган уйдирма афсонадан иборат. Зотан Зебуннисо бегимдек умр бўйи ишқ-муҳаббат созини қўлдан қўймай вафодор ёр васлини таранним қилган бокира машуқлар ҳақига туҳматдир. Кўпгина тарихий асарларнинг гувоҳлик беришича, Зебуннисо бегим ёшлигида Оқилхон Розий исмли шоир, табиат бир йигитга кўнгил қўяди. Оқилхон ҳам Зебуннисога ишқий мисралар йўллаб турган. Аммо шоҳ Аврангзеб ошиқ-маъшуқнинг маҳфий учрашувларидан хабар топгач, уларни таъқиб остига олади. Ривоятлардани бирида айтилишича, кунлардан бир кун Зебуннисо билан Оқилхон боғда учрашиб турганларида, ногоҳ шоҳ Аврангзеб боққа кириб келади. Дарҳол ошиқ-маъшуқлар ўзларини панага оладилар. Оқилхон шоҳ ғазабидан чўчиб, беркиниш учун бирор панароқ жой излайди. Иттифоқо, боғнинг бир четида катта зиёфатлар учун қазилган ер ўчоққа ўрнатилган катта дош қозон қопқоғи билан турарди. Оқилхон ана шу қозон ичига тушиб, устидан қопқоғини ёпиб олади. Оқилхоннинг бу шошилинч ҳаракати шоҳ Аврангзебнинг назаридан четда қолмайди. У қизи Зебуннисога боғдан чиқиб кетишга амр қилгач, тўғри юриб келиб, дош қозон қопқоғининг устига чиқади ва баковулни чақириб, ўчоққа олов ёқишни буюради. Ўчоққа олов ёқилгач, оқзон қизиб, қопқоқ остидан жизғанак ҳид билан тутун чиқади-ю, аммо ҳеч қандай нидо эшитилмайди. Шоҳ қопқоқдан тушиб, баковулга қозон қопқоғини очишни буюради. Қопқоқ очилганда қозон ичида ярим қорайган Оқилхоннинг жасади кўринади.

Оқилхоннинг улимидан сўнг, Зебуннисо бегим қалбида янги ёр учун урин қолмайди. У поёнига етмаган ишқий достонини қуйлаб ўтади. У камтарлик билан ўзи ҳақида қуйидаги ғазални ёзади:

Ғунчамиз очилмади келди агарчи гулбаҳор.
Дил кушидан ўзга булбул қилмас учмоқ ихтиёр,
Мен умид боғига ҳасрат кўз ёшин қилдим равон.
Лек гул ўрнига унда ғам тикони ошкор.
Қайғу зиндони аро гарчи оқарди кўзларим,
Зора бир ошно сўрар ҳолим дебон мен интизор.
Йиғламоқдин кўзга оқ тушди бу зиндонда ва лек,
Кимса келиб бу эшикни ҳалқасини урмади.

Зебуннисо бегим 1702 йилда 63 ёшида Деҳлида вафот этади. Деҳлидаги «Зарзарий» қабристонига дафн этадилар. Қулёзма манбаларнинг гувоҳлик беришича, Зебуннисо бегимнинг чиройли безаклар билан тузилган девони ҳам булган. Аммо мазкур девон бизнинг давримизгача етиб келмаган.

Шунингдек, унинг тасаввуф фалсафасига оид «Мунис ул-арвоҳ» номли асари ҳам булган. Тафсир соҳасида 769 варақли қулёзмадан иборат «Зеб ат-тафосир» (гўзал тафсирлар)ни ёзган. Бундан ташқари, илоҳиётга доир «Зеб аннашаот» номли асар ёзиб, уни ўз устози хотирасига бағишлаган. Шунингдек, Ҳиндистон мусулмонлари орасида дастуруламал булиб қолган «Фатавойи Оламгири» (Шариат қонунлари мажмуаси) номли асарни форс тилига таржима қилдирган. Бундан маълум буладики, Зебуннисо бегим ўз замонасининг оқила ва зукко қизи, уша муҳитнинг баркамол зиёлиси сифатида иш тутган. Дарвоқе у ўзининг ўткир ақл-идроки ва фаҳм-фаросати туфайли отаси шоҳ Аврангзеб Оламгирнинг яқин маслаҳатчиси ҳам эди.

Турғун ФАЙЗИЕВ.

ЗАРВОРЛИ ҚАДАМ

Кеча «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси ташкил этилганига олти йил тўлди.

Шу санага бағишлаб авикомпания раиси вазифасини бажарувчи А. Рўзметов иштирокида журналистлар матбуот анжумани бўлди.

1992 йилнинг 28 январида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясини тузиш тўғрисидаги фармонга имзо чеккан кундан мамлакатимиз фуқаро авиацияси тарихида янги босқич бошланди. Утган давр мобайнида кўп йиллик тажриба ва анъаналарга таяниб иш тутган, борини авайлаб-асраш, янги ва яхши имкониятларни излаб топган авиаходимларимиз бешинчи уммон дея аталмиш само кенгликларида ишончли парвоз этиб, юртимиз довруғини дунёга ёйдилар.

Анжуманда замонавий А-310, «Боинг-767»,«Эр жи-85", Ил-76 каби йўловчи ва юк ташувчи кемалари мавжуд авиакомпания учувчилари, ҳавода ҳаракатни бошқаришнинг барча талабларига жавоб берувчи тизими вакиллари, ерда йўловчи ва юкларга хизмат кўрсатувчи қўплаб бўлинмалар ходимлари, пўлат қушларни таъмирлаб, уларга қайта ҳаёт бахш этувчи қўли гул усталар фаолияти ҳақида сўз борди.

• Sport • Спорт • Спорт • Sport •

ЕНГИЛ АТЛЕТИКА

Тошкентдаги РОЎБЮ залида 1979-80 йилда туғилган ўсмирлар ўртасида Ўзбекистон Кубоги ва Республика биринчилиги мусобақалари бўлиб ўтди. Уч кун бўлиб ўтган ушбу беллашувларда Республикамизнинг барча вилоятларидан ва пойтахтимиздан 170 нафар йигит-қизлар иштирок этишди.

Кўрсатилган натижаларга кўра қуйидаги спортчилар голиблик шоҳсупасининг юқори поғонасини забт этдилар: бухоролик Шавкат Шарипов 60 метрга, фарғоналик Виктор Сиренко 200 метрга, сирдарёлик Олег Верзилин 400 метрга, Навоий вакили Альберт Шамсиев ва пойтахтлик Резида Юсупова 800 метрга ҳамда тошкентлик Василий Андреевлар 1500 метрга югуриш баҳсларида биринчи ўринни эгаллашган бўлса, 60 метрга барьерлараро югуришда Эльмира Гадракипова ва Евгений Иванов, ядро улоқтириш машқида Наталья Бессмертных ва Владислав Попов, 3000 метрга югуриш ва узунликка сакрашда Анастасия Кирбятьева, 60,200 метрларга югуриш бўйича Гўзал Хуббиева, уч хатлаб сакрашда Евгений Петин ҳамда лангарчўп билан сакрашда Михаил Стяжкинлар биринчи ўринларни эгаллашди.

Баландликка сакрашда Станислав Богословский 2,13 метр натижа кўрсатиб ва Наталья-бессмертных ўз ядросини 15,14 метрга улоқтириб I разряд талабини бажаришди. Ушбу икки мусобақа ёпиқ иншоотда ўтказилди ва 1998 йилги мусобақаларнинг биринчиси бўлиши билан бирга июль ойида Москвада ўтажак Бутунжаҳон ёшлар ўйинлари олдида спортчилар учун синов, мураббийлар учун кўрик вазифасини ўтади. Умумжамоа ҳисобида эса I гуруҳда Тошкент шаҳрининг биринчи жамоаси 15886 очко билан биринчи, Тошкент вилояти жамоаси иккинчи (13462 очко), пойтахтимизнинг иккинчи таркиб жамоаси (11703 очко) учинчи ўринларни эгаллашди. 2-гуруҳда эса Жиззах жамоаси биринчи, наманганликлар иккинчи, Қашқадарё атлетлари учинчи бўлишди. 3-6 февраль кунлари эса худди ўша ерда, ўша залда Москва турнири олдидан 2-босқич кўрик баҳслари бўлиб ўтади. Унда 1981-82 йилда туғилган йигит-қизлар ўзаро баҳслашадилар.

ТАЭКВОНДО

Самарқанд вилояти спорт қўмитаси залига мамлакатнинг барча энг кучли таэквондочилари тўпландилар. Залга йигилган мухлислар жаҳон ва Осиё чемпионлари, халқаро турнирлар совриндорларининг маҳоратли чиқишларининг гувоҳи бўлдилар. Бунинг сабаблари бор, албатта. Чунки сўнгги йилларда Самарқандда бошқа спорт турлари каби шарқона якка кураш турига бўлган эътибор кучайиб бормоқда. Мусобақалар шахсий ва жамоа биринчилиги учун бўлиб ўтди. Унда ҳар доимгидай Тошкент вилояти, Гулистон ва Тошкент шаҳри спортчилари билан биргаликда Ўзбекистон кубоги баҳслари бронза медал эгалари самарқандликлар ҳам муваффақиятли иштирок этиб, кўплаб совринларнинг эгалари бўлишди. Энди таэквандочилар март ойида Гулистонда ўтказиладиган мамлакат чемпионатига тайёргарлик кўрадилар. Унинг якунига кўра май ойида Японияда бўлиб ўтадиган Осиё чемпионатида Ватанимиз шарафини ҳимоя қилувчи спортчилар маълум бўлади.

ТЕННИС

Австралияда теннис бўйича мамлакат очиқ чемпионати чорак финал баҳсларида чехиялик Петр Кордо (ПТА-6) Швецариялик машҳур теннисчи Ионес Бьортман (ПТА-4) устидан 3:6, 5:7, 6:3, 6:4, 6:2 ҳисобида голиб чиқди. Қизғин кечаётган баҳсларда дастлабки ярим финалчилар аниқланмоқда. Швецариялик Мартина Хингса Индонезия ракеткаси Яус Баунинг ишини бир ёқли қилиш учун 38 минут кифоя қилди, (чорак финалда). Америкалик Линс Лидевонко ҳамюрти У.Уильямсни 1:6, 7:5, 6:3, 6:2 ҳисобида мағлубиятга учратиб, биринчи бўлиб ярим финалга йўлланма олди. Чех Петр Кордо Швед Ионас Бьортманни 3:8, 5:7, 6:3, 6:4, 6:2 ҳисоблар билан енгиб ярим финалга чиқди.

Футбол МДҲ кубоги кундалиги

Москвадаги ЦСКА ва «Спартак» футбол манежларида Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги чемпионлар кубоги қизғин давом этмоқда. Ушбу анъанавий халқаро турнирни кузатиб бораётган футбол мухлисларига маълумки, биринчи мусобақада Тошкент армиячилари Овруپада энг кучли жамоалардан ҳисобланган Киевнинг «Динамо» клуби билан мусобақалашдилар. Футболчиларимиз номдор рақибларига муносиб қаршилик кўрсата олишди. гарчи ўйин 3:0 ҳисобида Лобановский шогирдларига ҳал бўлган бўлсада, Марказий ҳарбий спорт клуби ўйинчилари мухлисларда яхши таассурот қолдиришди. Мусобақаларнинг иккинчи куни футболчиларимиз гуруҳдаги яна бир кучли жамоа Эстониянинг «Флора» жамоаси билан учрашдилар. Мусобақа вакилларимизнинг устунлигида ўтиб 2:1 ҳисобида голиб чиқишди. Ғалаба келтирган тўпларни Ойбек Усмонхўжаев ва Бахтиёр Ашурматовлар рақиблари дарвозасига киритишди. Сўнгги ўйинда эса Озорбайжон чемпионига маглуб бўлишди.

Наргиза ЮСУПОВА.

Дам олиш масканларида

ОЛТИАРИҚ СИҲАТГОҲИ

Уруш ва меҳнат фахрийларига ҳурмат-эътибор тобора ортиб бораётганлиги республикамиз мустақиллиги шарофатидир. Отахон ва онахонларимиз дори-дармонлар ва сиҳатгоҳларга йўлланмалар билан узлуксиз бепул таъминланмоқдалар. Саломатлик посбонлари эса уларнинг умрларини узайтириш учун ҳормай-толмай меҳнат қилишни ўз муқаддас бурчлари, деб билмоқдалар. Республика ижтимоий таъминот вазирлигининг Фарғона вилоятидаги «Олтиариқ» сиҳатгоҳида бўлганимда шундай хулосага келдим. Сиҳатгоҳда фахрийлар ошқозон-ичак, жигар-ўт касалликларига, бел ва оёқ оғриқларига шифо топмоқдалар.

Сиҳатгоҳда таркибида Натрий, калий, магний, кальций ва родон бўлган сувдан беморлар шифокорлар тавсиясига кўра ҳар куни овқатланишдан олдин уч маҳалдан ичмоқдалар.

Сиҳатгоҳда айланма душ, шифобахш сув ванналари қабул қилиш, оёқ ва белларни ўқалаш, иссиқ шам ва электр билан даволаш, дориларни ҳаво орқали қабул қилиш, ошқозонни ювиш, тиш қўйиш ва даволаш каби муолажалар йўлга қўйилган.

Фахрийлар айниқса, Дилшод Мингалиев, Шоҳсанам Мамаризаева, Илҳомжон Қозоқбоев, Раҳимжон Ортиқов, Равшанбек Орипов, Тоттихон Мадаминова, Мақсуда Қурбонова, Мухтасар Неъматова сингари шифокор ва ҳамшираларнинг номларини алоҳида хушнудлик билан ҳурмат билан тилга оладилар.

- Бу йил сиҳатгоҳга ўнинчи марта келишим,-дейди гиждувонлик Сотиболди Ражабов,- чунки саломатлигим йил сайин яхшиланиб бормоқда. Ошқозон касали азобидан қутулдим. Келгуси йилларда ҳам фақат шу ерда даволаниш ниятидаман.

- Иккала қўлимни ҳам юқорига кўтара олмасдим,-дейди пастдарғомлик Шомурод Сўлтонов, - 12 йилдан бери шу ерда даволанмоқдаман. Эндиликда қўлларимни ҳамма томонга бемалол кўтара оладиган, узатадиган бўлиб қолдим.

- Маъданли сув саломатлигимни тиклашда муҳим аҳамиятга эга бўлди,-дейди қамашилик Қурбонмурод Мирзаев, ҳар куни овқатланишдан олдин маъдан сув ичиш юзасидан шифокорлар берган маслаҳат ўзини тўла оқлади. Ута ёғли, овқатлар ва ширинликлардан тийилиш юзасидан берилган маслаҳатга қатъий риоя қилмоқдаман.

Ўзбекистон туманидан келган Ҳакимжон Умрзоқов, бешариқлик Илҳомжон Қурбонов, косонсойлик Муминхон Ҳабибуллаевлар ҳам сиҳатгоҳ ва бу ердаги саломатлик посбонлари ҳақида илиқ фикрлар изҳор этишди.

Даволанувчилар бўш вақтларида ҳам зерикиб қолмайдилар. Маданият саройи улар хизматида. Кутубхонада турли китоблар ва газеталар ўқишлари, кино залида турли фильмларни томоша қилишлари мумкин. Бундан ташқари нонушта ва кечки овқат олдидан турли ёқимли мусиқаларни тинглаш, рақсга тушиш имкониятига ҳам эгадирлар. Дам олиш кунлари, Фарғона, Қўқон, Маргилон, Шоҳимардон ва бошқа жойларга саёҳат ташкил қилинаётганлиги ҳам фахрийларга ҳузур бағишламоқда.

Бош шифокор Маҳмуджон Иброҳимовнинг айтишича республика ижтимоий таъминот вазирлиги сиҳатгоҳни фахрийларнинг севимли масканига айлантириш учун катта эътибор бераётир. Чунончи Вазирлик биноларни таъмирлаш, зарур тиббий ускуналар ўрнатиш ва бошқа тадбирларни амалга ошириш учун 11 миллион 700 минг сум маблағ ажратган.

Ишончим комилки, «Олтиариқ» сиҳатгоҳи келгусида фахрийларга янада мукаммал ва самарали хизмат кўрсатадиган, уларнинг саломатлигини ҳозиржавоблик билан тиклайдиган, умрларини узайтирадиган шифобахш масканга айланади.

Мажид САМАДОВ.

Тошкентдаги В.Чкалов номли Давлат ҳиссадорлик жамияти қошидаги тиббий-санатория қисми туғруқхонаси бош шифокори, тиббиёт фанлари номзоди Малика Обидова (суратда) эл саломатлигини сақлаш йўлида жонбозлик кўрсатмоқда.

У.УСМОНОВ олган сурат.

«Эски Жўва»
БОЗОРИ ОЧИҚ ТУРДАГИ
ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ
ЖАМОАСИ ВА АКЦИЯДОРЛАРИ
Ўзбекистон фуқароларини Муборак Рамазон ҳайити билан чин дилдан қутлайди, барчага оилавий бахт-саодат, сиҳат-саломатлик, дастурхони ҳамиша тўкин ва очиқ бўлишини тилайди!

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ЯНГИЛИКЛАРИ

Куни кеча Тожикистон миллий яраш комиссияси қайтадан иш бошлади. Комиссиянинг ушбу мажлиси ёпиқ эшиклар ортида булди. Маълум бўлишича, унда республика Президенти И.Раҳмонов ва муҳолифат бошлиги Саид Абдулло Нурий қатнашишган. Йиғилишда Тожикистондаги кейинги кунлардаги сиёсий вазият, ҳарбий, ҳуқуқий масалалар қатори муҳолифат лидерларидан бири ҳозирда Эронда истиқомат қилаётган Акбар Туражонзоданинг республикага қайтиши масаласи ҳам кўрилган.

***

Тожикистонда тарқатилган матбуот хабарларига қараганда республика прокурори С.Шароповнинг буйруғи билан собиқ муфтий А.Туражонзода ва муҳолифатнинг яна учта етакчилари авф этилган. Энди улар республикага қайтишлари мумкин. Республикага қайтиши масаласига тўхталар экан А.Туражонзода Би-Би-Си мухбирларига «менга бирорта вазифа тайинлангач 2-3 кундан сўнг қайтишим мумкин»,-деган.

***

Қозоғистондаги сил касалликлари илмий текшириш институтининг чиқарган маълумотларига қараганда республикада бу касалликка чалинганлар сони тобора кўпайиб бормоқда. Айниқса кейинги уч йил ичида беморлар сони ортиб, ҳозирги кунда 52 минг кишига етган, 6 минг киши шу касаллик туфайли вафот этган. Бу кўрсатгичлар МДҲ давлатлари орасидаги энг юқори ҳисобланади. Давлат ўтган йили бу соҳага 2 миллиард танга ажратган эрсада мутахассисларнинг фикрича бу камлик қилмоқда, бу маблағни камида бир ярим баравар ошириш лозим.

***

Қирғизистон пойтахти Бишкекда БМТ ҳомийлиги остида «Қочоқлар масалаларини ёритувчи» журналистларнинг конференцияси булиб ўтди. Унда қирқдан ортиқ журналист иштирок этди. БМТ вакили ва жаноб Бутснинг сўзларига қараганда мухбирларга ҳеч қандай тўсиқларсиз қочоқлар олдига бориш имкониятини яратиш лозим.

***

Туркманистон вакилларининг Россиянинг «Газпром» бошлиқлари билан Москвада туркман газини Россия орқали Украина ва бошқа мамлакатларга етказиш тўғрисида олиб борган музокаралари ҳозирча натижасиз тугади. Бунга сабаб Украинага Россия белгилаган нарх тўғри келмаган.

Газетамизнинг навбатдаги сони 3-февралда чиқади.

"ПГС" ФИРМАСИ ҚУЙИДАГИЛАРНИ СОТАДИ:
Ресторанлар, кафе ва ошхоналар, ишлаб чиқариш ва маиший бинолар, шовқинсиз юқори самарали иситиш учун ҳар хил қувватдаги иситгичлар — калориферлар.
Нархи 45000 сўмдан 50000 сўмгача.
Ташкилот ва корхоналардаги; шифохона, санаторийлардаги; дам олиш уйлари, меҳмонхоналардаги; спорт комплексларидаги ҳаммомларнинг САУНАлари учун махсус даволаш электр ускуналари.
Кичик нонвойхоналар \4 хилдаги: 160,80,32 ва 8 буханка нон пишириш қувватига эга\
Мурожаат учун манзил:
Тошкент шаҳри С.Раҳимов метро бекати.
Тел: (3712) 79-14-29, 79-38-54.

Бош муҳаррир: Саидакром САИДВАЛИЕВ
ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Л.ГУЛЬ, Э.ЁҚУБОВ, Ф. МУЛЛАЖОНОВ, М. ОТАҚУЛОВ, А.СИДЕЕНКОВ, А.СУЛТОНОВ, М.ТУЛАГАНОВА, Р.УБАЙДУЛЛАЕВА, Б.УМУРЗОҚОВ, А.ФАРМОНОВ, Ф.ХОЖИҚУЛОВА, Ҳ.ШАЙХОВ, Ф.ШОҲИСМОИЛ, З.ҚОДИРОВ.

Бош муҳаррир қабулхонаси-56-25-36
Бош муҳаррир ўринбосари-56-52-89
Масъул котиб - 56-52-78
БЎЛИМЛАР:
Касаба уюшмалари ва иқтисодиёт-56-82-79. Ахборот ва спорт-56-87-63. Маънавият ва маданият-56-82-79. Хатлар, оммавий ишлар ва мухбирлар билан ишлаш-56-85-43. Тижорат ва ҳуқуқ-56-85-66.
ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Жиззахда - 3-82-18, Наманганда - 6-22-10, Самарқандда - 35-64-24, Фарғонада - 24-58-43, Урганчда - 6-03-40, Қаршида - 5-33-71.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган.
Сотувда эркин нархда.
Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» (собиқ «Правда Востока») кўчаси, 24-уй.
Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1994 йил 14 январда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 5 рақамли гувоҳнома берилган. ЎВМ компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ

«Шарқ» нашриёт—матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 4 1—уй. Буюртма Г— 0912. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди 21. 00 Масъул навбатчи: Нодир АЛИМОВ 123456